



IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2016-YIL 11-FEVRAL, PAYSHANBA, 6 (638)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

«...ОЛИЙ МАЖЛИС, ҲУКУМАТ ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИГА ЭГА БЎЛГАН БОШҚА СУБЪЕКТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ ШУНДАН ИБОРАТ БЎЛИШИ КЕРАККИ, УЛАР ҚОНУНЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ПУХТА ИШЛАБ ЧИҚИШИ ЗАРУР. ТОКИ БУ ҚОНУН ВА МЕХАНИЗМЛАР ҲАЁТДАГИ АНИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ КЕНГ МИҚЁСДА АМАЛДА ТАРТИБГА СОЛИБ БОРСИН, БУ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН ҲАР БИР СУБЪЕКТ ЎЗ ЎРНИНИ БИЛСИН ВА ЎЗ ФАОЛИЯТИДА ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА АСОСЛАНСИН».

Ислом КАРИМОВ

Ислохотлар аввало инсон учун

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палата-сида янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокамалар асносида иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Мазкур ҳужжат О'зЛиDeP электоратига бевосита тааллуқ-ли бўлгани, яъни мамлакатимиздаги ишга лаёқатли аҳолининг 77 фоизи хусусий секторда меҳнат қилаётганини инобатга олган ҳолда фракциямиз аъзолари партия дастурида бу борада белгиланган вазифалар-ни тегишли қонуннинг ўзида акс эттиришга ҳаракат қилишмоқда.

Меҳнатни қонунлар орқа-ли муҳофазалаш масалалари жамиятни демократлашти-риш ва иқтисодийни модер-низациялаш жараёнларининг ажралмас қисмига айланган. Юртимиз истиқлолга эришган илк йилларда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонуни қабул қилинган ҳам фикримиз далилидир.

Аммо ушбу қонун кучга

киргандан буён ўтган қарийб 23 йиллик вақт давомида тил-га олинган ҳужжатдаги айрим нормалар бугунги ҳаёт шидда-ти, тadbirkorлик субъектлари олдидagi сунъий тўсиқларни бартараф этиш орқали бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жа-мийятини янада либераллашти-риш талабларига тўлиқ жавоб бермай қолди.

2→



Муносабат

ЕРНИ ҚАДРЛАСАК, ЭЛ ҚАДРЛАЙДИ

Сайидислом САЙДУЛЛАЕВ,
Бўна туманидаги «Кутхон-Сайид» фермер ҳўжалиги
раҳбари, О'зЛиDeP аъзоси:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ де-путатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан таъсир Сессиясида «...вилоятнинг деҳқон ва фер-мерларига, барча меҳнатчиларига ўз номидан, халқимиз номидан чўқур миннатдорлик билдириб, бу йил ҳам ҳосилингиз мўл бўлсин, омадигиниз берсин, деб эзгу тегаларимни изўр этишга ижо-зат бергайсиз» деган лўрмачо сўзларини эшитиб бошим осмонга етди. Қишлоқнинг оддий бир мулкдори сифатида бундай самимий эҳтиромдан мамнун бўлдим.

Теранроқ ўйлаб қаралса, истиқлол туфайли шундай эътибор, гамхўрлик бўлмаса, мен каби фер-мерлар шундай эътирофга сазовор бўлармиди? Ҳа-ётимиз бугунгидай фаровон бўлармиди? Албатта, йўқ! Шу боис ҳам ишлайман, элга наф келтирмаман деган инсонларни қўллаб-қувватлаётган, меҳна-тимизни қадрлаб, ўзимизни улуғлаётган давлати-миздан, бу эзгу ишларга бош-қош бўлиб турган Юртбошимиздан беҳад миннатдорман.

Озми, кўпми, бажарган ишинг қадр топса, рағ-батлантирилса, ўзингга ишончинг ортиб, эл-юрт равнақиға янада кўпроқ ҳисса кўшигнг келаверар экан. Ўз фаолиятим мисолида гапирадиган бўлсам, давлатимиз томонидан яратиб берилган имко-ниятлардан самарали фойдаланиб, ернинг унум-

дорлигини оширишга, ҳўжалигимиз иқтисодини, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётганимизни айтиб ўттишим керак. Тасарруфимизда 78 гектар ер бор. Айни пайтда пахтачилик, галлачилик, чорвачилик ва балиқчи-лик билан шугулланаяпмиз. 2 гектардан зиёд ерда бог ташкил қилган эдик. Ҳадемай ҳосилга кирди. Ҳар йили 20 тоннага яқин балиқ етиштиряпмиз. Замонавий фермер нафақат маҳсулот етиштирув-чи, балки уни қайта ишлашни йўлга қўйишда ҳам етакчи бўлиши лозимлигини энди чуқур англаб етаяпмиз. Шу боис келмгусида балиқ билан мевани қайта ишлашни режалаштиряпман. Ҳаракатда ба-ракат, дейдилар. Насиб этса бу борада дастлабки қадамларни қўйиш арафасида турибмиз.

Умуман олганда, олдимизга ерга меҳр бериш ба-робарида замон билан тенгма-тенг юриш, унинг та-лабларини ўз вақтида ҳис қилиш, янги гоёларни ҳа-ётга татбиқ этиш каби муҳим талаблар қўйилмоқда. Бинобарин, Президентимиз илгари ҳам таъкидла-ганларидек, фермер нафақат деҳқончилик сирлари-ни пухта билиши, айни пайтда у иқтисодчи, ҳисобчи, менежер, селекционер, бизнесмен, керак бўлса, дипломат бўлмоғи зарурлигини ҳозирги даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Зеро, ҳозирги ахборот-комму-никация технологиялари ривожланган бир пайтда, ушбу соҳаларни билмасдан туриб, иш юритиш ва му-ваффақиятга эришишни тасаввур қила олмайман.

3→

Олий Мажлис
Қонунчилик
палатасидаги
О'зЛиDeP ва «Миллий
тикланиш» ДП
фракциялари ўртасида
тузилган Демократик
кучлар блокнинг
галдаги йиғилишида
депутатлар янги
таҳрирдаги
«Меҳнатни муҳофаза
қилиш тўғрисида»ги
Ўзбекистон
Республикаси Қонуни
лойиҳасини кўриб
чиқдилар



Унда, энг аввало, мамлака-тимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг эркин касб-ҳунар тан-лаши ҳамда ходимларга хавф-сиз, қулай ва муносиб меҳнат шароитлари яратиш масала-

ларига устувор вазифа сифа-тида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди. Сўзга чиққан-лар иккинчи ўқишда муҳокама қилинаётган янги таҳрирдаги мазкур қонун лойиҳаси корхона ҳамда ташкилотлардаги меҳнат

муҳофазаси ҳолатини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касал-ликларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Бу эса кичик биз-нес ва хусусий тadbirkorлик-

нинг ривожланиши туфайли иш берувчилар сони салмоқли да-ражада ортаётган бир пайтда меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асосини янада такомиллашти-ришга хизмат қилади.

2→

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 575 ЙИЛЛИГИ

Ажаб саодат эрур...

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
БОҒИДА 9 ФЕВРАЛЬ КУНИ
УЛУҒ БОБОКАЛОНИМИЗ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 575 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси де-путатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюш-малар ва жамоат ташки-лотлари вакиллари, наво-ийшунос олимлар, адиб ва шoirлар, маънавият тарғи-ботчилари, маҳалла фаол-лари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳме-дов, Бобур номидаги халқ-ро ва бозор номидаги халқ-ро жамоат фонди ва илмий экспедицияси раҳбари З. Машрабов, Франциянинг мамлакатимиздаги элчи-хонаси вакили М. Галланд, Ўзбекистон Республикаси-да хизмат кўрсатган артист О. Галахов ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида алломла-римизнинг бебаҳо илмий,

бадий, маърифий ме-ро-сини ўрганиш, ёшларни баркамол, ватанпарвар, фидойи инсонлар этиб тар-биялашда кенг фойдала-ниш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Мустақиллик шарофа-ти билан буюк мутафаккир ижодини чуқур ўрганиш, асарларида тараннум этил-ган эзгу гоёларнинг аҳа-миятини тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шоир ҳаёти, ижодининг барча қирралари қамраб олинган илмий асарлар, рисола ва монография-лар нашр этилиб, илмий тадқиқотлар олиб бори-лмоқда.

Юртимизда таҳсил

олаётган хорижлик тала-балар, мумтоз ўзбек ада-биёти бўйича изланаётган чет эллик тадқиқотчилар Алишер Навоий рубойла-ридан намуналарни ўзбек тилида ўқиди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Эл-мурод Аҳмедов ва Фурқат Ашуралиев ижросида улўғ бобомиз газали асосидаги қўшиқлар янгради. Шоир ҳайкали пойига гуллар қўй-илди.

Тантанали тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбоса-ри Б.Ҳодиев қатнашди.

(ЎЗА)

14 ФЕВРАЛЬ —
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР
ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Тadbirkorлик, иштиёқ, тоза ният галабаси

Эсланг, Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» номли асарида шундай бир лавҳа бор. Ёвуз Чингизхон султон Жалолиддинни таъкиб қилиб, Жайхун каноригача боради. Ўшанда султон дарёга от солиб, эсон-омон хавфсиз кирғоққа ўтиб олади. Чингизхон ўғилларига қарата: «Отадан дунёга хали бун-дай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби го-либ жангчи, дарёда эса наҳанг каби ботир — қандай қилсинки, хали ҳеч ким тақдир билан ҳеч бир моҳарада тенг кела олмаган. Лекин у мardlikнинг додини берди», дейди.

Ҳа, яратган тақдир қилади, бандаси эса тadbир. Аммо бу тadbир қандай бўлиши ло-зим? Асос, таянч нима бўлади? Дарвоқе, ҳаз-рат Навоийда баайни мавзуда шундай байт бор:

«Жонга айтурмен, ёзай ҳарфи
гаминг тақдирини,
Кўнглум ўлмас, ваҳки, билмасмен
бу иш таҳририни».

8→

Таянч нуқталар
«имтиҳон»га тайёр

5 ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА



Шаҳрисабз —
туризм шаҳрига
айланади

7 БУНЁДКОРЛИК



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 9 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки солиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Австралия доллари 2013,84
1 Англия фунт стерлинги 4124,30
1 Дания кронаси 423,88
1 БАА дирхами 773,62

1 АКШ доллари 2841,60
1 Миср фунти 362,91
1 Исландия кронаси 22,26
1 Канада доллари 2048,15

1 Хитой юани 2841,60
1 Россия рубли 362,91
1 Украина гривнаси 22,26
1 Малайзия ринггити 2048,15

432,45
36,74
109,66
683,90

1 Польша злотийси 717,87
1 СДР 3973,64
1 Туркия лираси 975,02
1 Швейцария франки 2860,48

1 ЕВРО 3138,99
10 Жанубий Корея вонни 23,57
10 Япония иенаси 242,21

Демократик кучлар блоки йиғилиши

Ў Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

■ Ўз муҳбиримиз

Албатта, юртимизда муно­с­иб меҳнат шaroитини яратиш кеча ёки бугун бошланган жараён эмас. Мустақилликнинг дастлаб­ки йиллариданоқ ушбу масалага устувор аҳамият қаратилиб, Кон­ституциямизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эр­кин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизлик­дан ҳимояланиш ҳуқуқига эга, дея белгилаб қўйилган. Қолаверса, ўтган давр мобайнида бу борада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунлари ҳаётта татбиқ этилиб ҳамда Халқаро меҳнат ташкило­тининг бир қатор конвенциялари ратификация қилинди. Мазкур қо­нун ҳужжатлари эса иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини ҳар томонлама

тартибга солишга, жамоада адо­латли меҳнат муҳитини қарор топ­тиришга замин яратмоқда.

Ана шундай кенг кўламли ис­лохотларга қарамасдан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида амалдаги Қонуннинг давр талаб­лари­га жавоб бермай қолган нормаларини ўзгартириш ва янги меъёрлар билан тўлдириш зарурати туғил­моқда, — дейди Олий Мажлис Қо­нунчилик палатасидаги ОʻзLiDeP фракцияси аъзоси Полянте Свеш­ников. — Демократик кучлар бло­кининг позициясини ишлаб чиқиш мақсадида қонун лойиҳасини атро­ф­ли­ча ўргандик. Таъкидлаш жо­изки, қонуннинг янги таҳририда, аввалгисидан фарқли ўлароқ, Ва­зирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳо­лини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, шу­нингдек, бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги вако­латлари алоҳида моддаларда очиб берилмоқда. Умуман олганда, қонун лойиҳасига киритилаётган тегишли



ўзгартишлар ҳар иккала партиянинг Сайловолди дастурида қайд этил­ган вазифаларга тўла мос келади.

Блок аъзолари қонун лойиҳаси­даги иш берувчиларга қўйиладиган талабларни қучайтириш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратил­ган нормаларни ҳам қўллаб-қув­ватладилар. Шу билан бирга айрим

нормаларни қайта кўриб чиқиш ло­зимлигини таъкидладилар.

Йиғилиш якунида Демократик кучлар блокининг позицияси ша­клантирилиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш учун ма­ълум қўмитага таклиф ва тавсия­ларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ислохотлар аввало инсон учун

Ў Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Бундан ташқари, шу давр мобайнида меҳнат муҳофазаси билан бевосита бо­глиқ муносабатларни тартибга солишга алоқадор қонунларнинг (жумладан, «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида», «Му­вофиқликни баҳолаш тўғрисида», «Сано­ат хавфсизлиги тўғрисида», «Радиация хавфсизлиги тўғрисида», «Техник жиҳат­дан тартибга солиш тўғрисида») қабул қилиниши «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш, унинг баъзи нормаларини янги ҳужжат­ларга мувофиқлаштириш заруратини юза­га келтирди.

Қонун лойиҳасини муҳокамаларга тай­ёрлаш чоғида халқаро ҳуқуқнинг умум­этироф этилган тамойиллари, Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари, 20 дан зиёд давлатларнинг тажрибаси инобатга олинган.

Ҳар қандай ҳужжат муҳокамасида бўл­гани сингари ушбу қонун лойиҳаси юзаси­дан ҳам мамлакатимиздаги сиёсий кучлар­нинг парламентдаги фракцияларининг манфаатларини яққол намоён бўлаётир. Чунки бундай ёндашувларда партиялар Сайловолди платформасида илгари сур­ган вазифаларни акс эттиришга интилади. Шу маънода, Демократик кучлар бло­ига бирлашган ОʻзLiDePнинг бу борадаги позицияси ҳам аниқ эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. У ҳам бўлса юртимизда­ги иш берувчиларнинг салмоқли қисмини ташкил этаётган бизнес тузилмаларининг манфаатларини ишончли ҳимоялаш ва ушбу қонуннинг ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилишига эри­шишдир.

Такорр бўлса ҳам айтишга тўғри кела­ди: партиямиз электоратини асосан иш берувчи бўлган тadbиркор ва фермерлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги амалдаги қонунни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш биз учун катта аҳа­миятга эга эканлигини англаш қийин эмас. Модомики, фракциямиз аъзолари янги таҳрирдаги қонун иш берувчининг ҳам, ходимларнинг ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш борасидаги масъулиятини қучайтириш, давлат бошқа­руви органларининг меҳнат шaroитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати устидан лозим даражадаги назо­ратни таъминлашга доир функцияларни аниқлаштириш билан боғлиқ таклифларни қўллаб-қувватлайди.

Бошқача айтганда, мазкур қонун лой­иҳаси ходимлар манфаатларини таъмин­лаш, иш шaroитларини янада яхшилаш ва меҳнатга оид Қонунчилик ҳужжатлари бузилишининг олдини олишда муҳим аҳа­миятга эга. Қонун лойиҳасида иш берув­чининг ҳамда ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилан­ган, ҳоин-қизлар, вояга етмаганлар, пен­сия ёшидагилар, шунингдек, имконияти чекланган шахсларнинг меҳнатини муҳо­фаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишининг ўзига хос хусусият­лари белгилаб берилган.

Қонун лойиҳасида меҳнат муҳофаза­сини таъминлаш бўйича мансабдор шах­сларнинг масъулиятини ошириш, меҳнат

муҳофазаси ҳолатини экспертизадан ўтқа­зиш тартибларини, иш берувчининг ҳамда ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари­ни белгилловчи нормалар назарда тутил­ган. Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши меҳнатни муҳофазаси ва унинг хавфсизлиги тўғри ташкил этилишини таъминлайди, иш бе­рувчи ҳамда ходим учун меҳнат муҳофа­заси бўйича талабларни давлат назорати органларининг қўшимча аралашувисиз ба­жаришга шaroит яратadi.

Лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича ОʻзLiDePнинг нуктаи назари бошқа партиялар вакиллари билдираётган фикрлар билан мос келмайдди. Масалан, биз 15-моддада меҳнатни муҳофаза қи­лишга маблағ ажратиш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаларини шакл­лантириш ва улардан фойдаланиш тарти­бини белгилашда Касаба уюшмалари фе­дерацияси кенгаши иштирокини истисно қилиш қилиш тарафдоримиз. Чунки «Ўзбе­кистон Республикаси Вазирлар Маҳкама­си тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида бу иш ҳукуматнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. ЎзХДП ва­киллари эса ушбу қондан чукур англама­ган кўринади. Шу боис мазкур норманинг аксини таклиф қилаётир.

Ижтимоий ҳимояга бел боғлаган рақо­батчиларимиз билан 26-моддадаги тиббий кўрик борасида ҳам келишиб бўлмайдди. Уларнинг айтишича, тиббий кўрик ходим учун бепул, яъни иш берувчи ҳисобидан ўтказилиши керак эмиш. Аммо бизнинг фикримизга кўра, иш берувчи ходимга иш ҳақи тўлагани, меҳнатига яраша мукофот­лар ажратгани учун ҳар ким ўз саломатли­ги йўлида ўзи қайғуриши лозим. Шунинг учун ҳам бу нормани қўллаб-қувватламай­миз.

Шунингдек, қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида фракциямизнинг кў­плаб мунозараларига сабаб бўлган мод­далардан бири бу қонун лойиҳасининг 8-моддаси бўлди. Унда Махсус ваколатли давлат органининг, яъни Меҳнат ва аҳоли­ни ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги­нинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида­ги ваколатлари кўрсатиб ўтилган. Бизнинг фикримизча, мазкур моддада белгиланган ваколатларнинг айримлари кичик бизнес ва тadbиркорлик субъектларининг ривож­и­га муайян маънода тўсиқ бўлиши мумкин.

Хусусан, махсус ваколатли органга берилаётган ҳуқуқлардан бири меҳнат­ни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва­зифасидир. Бугунги кунда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг мазкур назоратни амал­га оширувчи бошқарма ва ҳудудларда­ги бўлимлари ходимларининг умумий сони 153 тани ташкил этади. Ваҳолан­ки, мамлакатимизда фаолият юритаёт­ган тadbиркорлик субъектларининг сони 300 мингдан ортиқ. Демак, кенг кўламли иш ҳажми билан юклатилган ваколат­ларни самарали бажариш қийин кечади. Шундай экан, бундай назорат доираси­дан кичик бизнес субъектларини чиқар­иш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунда назорат органларнинг асосий эътибори

меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ бах­тсиз воқеалар содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган йирик ишлаб чиқариш кор­хоналарига қаратилади.

Махсус ваколатли органга берилаётган ҳуқуқлардан яна бири меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларининг бузили­ши, ходимларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда бундай корхоналар фаолиятини тўхтатиш ҳуқуқидир. Қонуннинг бундай талқинига ҳам фракциямиз аъзолари қарши.


Бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат­ни муҳофаза қилиш масалаларининг тур­ли жиҳатларини тартибга солувчи 100 дан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар мав­жуд. Тadbиркорлик субъектлари томони­дан унча оғир бўлмаган ёки кам аҳамият­ли камчилиги биллиб-билмай содир этиши натижасида унинг фаолиятини тўхтатиш тўғри бўлармикан? Бизнинг фикримизча, фаолиятни тўхтатиш фақат суд томони­дан амалга оширилишиши даркор. Шунинг учун мазкур нормани қайта кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Бундан ташқари, махсус ваколатли давлат органига иш берувчи ҳамда ходим­лар ўртасида низо пайдо бўлганда, даъво аризалар билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Фракциямиз аъзолари мазкур қониданги белгиланишига ҳам мут­лақо қарши. Чунки қонунчиликда, хусусан, Меҳнат кодексининг 23-моддасида «Ка­саба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида иш берувчи ва хо­дим ўртасида низо пайдо бўлганда, касаба уюшмалари томонидан судга даъво ариза­си киритилиши белгиллаб қўйилган бўлиб, амалиётда мазкур механизм ўзини оқлаб келмоқда. Шунинг учун, бизнинг фикри­мизча, махсус ваколат берилган давлат органи ходим билан иш берувчи ўртаси­даги бундай масалаларга аралашмаслиги лозим.

Фракциямиз аъзолари томонидан эъ­тироз билдирилган нормалардан яна бири қонун лойиҳасининг 33-моддаси бўлди. Мазкур моддада давлат экспертизаси ҳу­лосаси асосида меҳнатни муҳофаза қи­лиш қонунчилиги талабларининг бузилиши аниқланган тақдирда қорхонани суд томо­нидан тугатгиш масаласини кўриб чиқиш белгиланган. Бизнинг фикримизча, мазкур қоида тadbиркорлик субъектлари фаолият­ига таъсир қилувчи жиддий норма бўлиб, бундай ҳолларда тadbиркорлик субъекти­ни тугатгиш эмас, балки унга бундай кам­чиликни бартараф этиш ва ўз фаолиятини давом эттириш учун имкон бериш, керак бўлса, шaroит яратиш зарур. Шунинг учун мазкур моддани ҳам қайта кўриб чиқиш та­лаб этилади.

Умуман олганда, амалдаги қонунга таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшим­чалар ОʻзLiDePнинг Сайловолди плат­формаси ва электорати манфаатларига мос келади. Шунинг учун ҳам фракциямиз аъзолари юқоридаги нуктаи назарни ино­батга олган ҳолда янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайди.

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ОʻзLiDeP фракцияси аъзоси.



Жойларда ОʻзLiDeP ҳудудий ташкилотлари ва парти­янинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фрак­цияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси аҳолининг турли қатламлари, меҳнат жамоалари ва партия электорати вакиллари иштироки­да атроф­ли­ча муҳокама этилмоқда.

Мукаммал бўлишидан манфаатдормиз

ОʻзLiDeP Андижон вилоят кенгаши Тад­биркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қув­ватлаш бўлими томонидан ўтказилган ана шундай тadbирда қайд этилганидек, янги меъёрларда иш берувчи ва ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини ба­жариш бўйича масъулиятини ошириш, жум­ладан, бахтсиз ҳодисаларни яшириш ёки ўз вақтида текширув ўтказмаслик, назорат қи­лувчи давлат органининг кўрсатмаларини белгиланган муддатларда бажармаслик хо­латига чек қўйиш ҳамда меҳнатни муҳофа­за қилиш бўйича тadbirlарининг молиявий таъминотини янада яхшилаш масалаларига эътибор қучайтирилган.

— Моҳиятан олиб қараганда, янги таҳ­рир­даги қонун лойиҳаси ОʻзLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифалари билан уйғундир, — дейди партия Андижон вилоят кенгаши раи­сининг биринчи ўринбосари Алишер Мама­жонов. — Зеро, кейинги йилларда, айниқса, хусусий секторда иш берувчилар сони анча кўпайди. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғри­сида»ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қи­линиши бу борадаги ишларнинг республика,

тармоқ ва ҳудуд даражасида тўғри ташкил қилинишини таъминлайди. ОʻзLiDeP элек­торати таркиби асосан иш берувчи бўлган тadbиркор ва фермерлардан иборат экани ҳисобга олинса, қонуннинг ҳар томонлама мукаммал бўлишидан манфаатдор эканлиги­миз, уни такомиллаштиришга бутун салоҳия­тимизни ишга солишимиз зарурлиги ойдин­лашади.

Мулоқот давомида хусусий сектор вакил­лари, тажрибали мутахассис ва экспертлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклиф ва тав­сияларини билдирдилар.

«Демократик бозор ислохотларини яна­да чуқурлаштириш ва иктисодиётни либе­раллаштириш, унинг рақобатбардошлигини оширишга оид қонун лойиҳаларининг жамо­атчилик экспертизаси» партиявий лойиҳаси доирасида мазкур муҳокамалар Андижон ва Хонобод шаҳарлари, Шахрихон, Олтинкўл, Хўжабод, Жалақудух, Кўргонтена, Қорасув, Улуғнор, Пахтабод, Булоқбоши, Бўз, Марҳа­мат туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Эльмира РАҲМОНОВА,
«XXI asr» муҳбири.

Мақсад ва вазифалар муштарак

— «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғриси­да»ги амалдаги Қонун қабул қилинганидан буён қарийб 23 йил вақт ўтди, — деди пар­тия Бухоро вилоят кенгашида бўлиб ўтган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик пала­тасидаги ОʻзLiDeP фракцияси аъзоси Жамол Носиров. — Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси партиямизнинг мақсад ва вазифалари билан муштарак эканлиги зиммамизга муайян ма­съулият юклайди. Жойларда ўтказилаётган муҳокамалар чоғида махсус ваколатли ва бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнат ша­роитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли назоратни таъминлаш бора­сидаги устувор вазифаларини белгилашга асо­сий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

— Тадбир иштирокчиларига янги қо­нун лойиҳасига киритилган бир қатор ўз­гартишлар, мавзуга оид масалалар бўйича батафсил маълумотлар берилди, — дейди ОʻзLiDeP вилоят кенгаши депутатлик гу­руҳлари билан ишлаш сектори мудири Жа­моллидин Ҳасанов. — Интерфаол усулда ташкил этилган амалий мулоқот давомида 2 та бoб ва 45 моддадан иборат янги таҳрирда­ги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»­ги Қонун лойиҳасининг энг муҳим устувор жиҳатлари ва концептуал аҳамияти бўйича

атроф­ли­ча фикр алмашилиб, уни янада му­каммаллаштириш хусусида аниқ таклифлар илгари сурилди.

Вилоят меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroити экспертизаси давлат инспек­цияси бошлиғи Бўстон Жўмаевнинг фикри­ча, қонун лойиҳасининг 5-моддаси «Меҳнат муҳофазаси бўйича барча ходимларни йилига бир маротаба ўқитиш, малакасини ошириш ва мустақил ишлаш учун рухсатнома (допус­к) бериш» жумласи билан тўлдирилса, мақсад­га мувофиқ бўларди. Лойиҳанинг 17-моддаси 2-бандидаги «ташкилотлар» сўзидан кейин «50 нафар ва ундан зиёд ходимлари бўлганда» деган сўзларни қўшиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас.

Амалий мулоқотда вилоят касаба уюшма­лари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши масъул ходимлари, жумладан, меҳнатни муҳофаза қи­лиш бўлими етакчи мутахассиси Иброҳим Бер­диев, бирлашма кенгаши бўлим мудири Ҳайит­бек Барноев, халқ депутатлари Бухоро тумани кенгаши депутати Бахтиёр Иббуллаев, Бухоро гидрогеология экспедицияси меҳнатни муҳо­фаза қилиш муҳандиси Анвар Восиев сингари мутахассислар ўз таклифларини билдирдилар.

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr» муҳбири.

Таклифлар фракцияга тақдим этилди

ОʻзLiDeP Жиззах вилоят ташкилотида бў­либ ўтган муҳокама давомида таъкидлангани­дек, мазкур соҳадаги жорий қонунларимизни иктисодиётнинг замонавий талаблари ва амал­га оширилаётган демократик ислохотлар ту­файли янада чуқурлаштириш эҳтиёжи етилган эди.

— Ушбу қонуннинг янги таҳрири меҳнат­ни муҳофаза қилишни республика, тармоқ ва ҳудуд даражасида тўғри ташкил этишни таъминлайди, — дейди Олий Мажлис Қо­нунчилик палатасидаги ОʻзLiDeP фракци­яси аъзоси Эркин Холбўтаев. — Қолаверса, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорат органларининг аралашувисиз ходим­ларнинг, шу жумладан, вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясининг мустаҳкамланишига ҳисса қўшади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда иктисо­диётни эркинлаштириш, бошқарувнинг бозор механизмларини жорий этиш, қулай ишбилар­

монлик муҳитини шакллантириш борасида тизимли ишлар олиб бoрилмоқда. Бунинг на­тижасида, айниқса, хусусий секторда иш берув­чиларнинг сони сезиларли даражада кўпайди. Рақамлар тили билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг мамлакат яппи ички махсулотидаги улуши 56 фoнздан зиёдни таш­кил этиб, ҳозирги вақтда бу соҳада аҳолининг 77 фoнзи меҳнат қилмоқда.

Амалий мулоқотда қонун лойиҳаси юзаси­дан электорат вакиллари, соҳанинг тажрибали мутахассис ва экспертлари томонидан билди­рилган таклиф, фикр-мулоҳазалар партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо­нунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари­га қонун ижодкорлигида инобатга олиш учун тақдим этилди.

Ақбар ЯКУБОВ,
ОʻзLiDeP Жиззах вилоят кенгаши
Тadbиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири.

Либерализм сабоқлари

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИГА БИНОАН ЖОЙЛАРДА «ЛИБЕРАЛИЗМ ДАРСЛАРИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА

■ Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr» мухбири

«Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажаришда О'zLiDeP тузилмалари ва депутатларининг муҳим вазифалари» деб номланган ўқув-семинарнинг дастлабкиси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил этилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, БПТ етакчилари, партиянинг туман кенгашлари раҳбарлари иштирок этган семинарда сайловчилар олдидagi масъулиятни ошириш, жойлардаги долзарб масалаларни ўрганиш, бунда бошлангич ташкилотлар ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш хусусида сўз борди. Бу борада хориж тажрибаси ва Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида кўпга кiritган ютуқлари тилга олинди.

Шундан сўнг тадбирнинг амалий қисмига ўтилди. Унда партия шаҳар ва туман кенгашлари аъзолари уч гуруҳга бўлинган ҳолда интерфаол усулда машғулот олиб боришди. Қизгин ва самимий тус олган жараёнда қатнашчилар ўз гуруҳларида танланган мавзу юзасидан О'zLiDeP вилоят, туман, шаҳар кенгашлари томонидан депутатлик гуруҳлари ва БПТлар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, партия депутатлик гуруҳларининг 2016 йилга мўлжалланган назорат фаолияти асосий йўналишларини белгилаш каби масалаларда аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиб, унинг тақдиротини ўтказишди. Бунда, айниқса, партиянинг Яккасарой, Юнусобод, Чилонзор туман кенгаши аъзолари фаоллик кўрсатишди.

Биз эса иштиёқ билан машғулотларга киришган партия фаолларининг таассуротлари билан қизиқдик.

— Ҳақиқат баҳс-мунозараларда тугилади, дейишди. Шу маънода соғлом рақобат асосида ташкил этилган гуруҳларда билдирилган турли фикр ва мулоҳазаларни тинглаб, партиявий йўналишдаги



Солиҳ Зоир олган суратлар

билимларимни янада бойитдим, — дейди О'zLiDeP Юнусобод туман кенгаши раиси ўринбосари Билол Йўлдошев. — Тадбирда, айниқса, фаолиятимизни янада кучайтиришга доир сиёсий технологиялар ҳақида маълумот берилгани аини мудида бўлди. Уларни ўзлаштириш орқали биз электорат қалбига янада чуқурроқ кириб бора оламиз. Бошқача айтганда, ушбу семинардан олган билимларимиз партия гоёларини тарғиб қилишда мафкуравий қурол вазифасини ўтайди. Зеро, семинарда тажрибали ҳамкасбларимиз томонидан таъкидланганидек, партия мафкурасини билмасдан туриб, электорат қалбига йўл топа олмаймиз. Семинарда аини йўналишдаги усуллар билан қизиқдим. Бу эса «Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак» деган эзгу гоёнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, шунингдек, партиявий лойиҳаларни навқирон авлод орасида янада омалаштиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, партия ўзининг «Либерализм дарслари» дея номланган навбатдаги ташаббуси билан одатда кўпроқ маъруза қилинадиган тадбирлардан чекиниб, ҳаётий мисоллар орқали имкон

борича масала моҳиятига чуқур кириб бориш, кўпроқ иштирокчилардан фикр сўрашга эътибор қаратди. Бу эса О'zLiDePнинг амалий ишлар партияси эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

— Қачонки, киши ўзининг фикри инобатта олинаётгани, уни қимдир эшитаётгани, қўллаб-қувватлаётганини ҳис қилса, ўзига ишончи ортиб, масъулиятни теран ҳис этади, — дейди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси масъул ходими Мастура Хайитова. — Номигагина ўтказилган тадбирларда эса ташкилотчиларнинг ҳам, иштирокчиларнинг ҳам вақти беҳуда кетади. Аксинча, таъсирчан, кишиларни мулоҳазага, фикр юритишга қорлайдиган ҳар қандай тадбир партия мавқеини оширади. Эътибор берган бўлсангиз, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган мазкур ўқув дарсларида ана шу кайфият ҳукм сурмоқда. Унда партия обрўсини янада ошириш йўлида озми-кўпми меҳнат қилаётган фаоллар бир-бирини тинглашди, ўзаро фикр алмашишди, соғлом рақобат муҳитида баҳс-мунозарара киришишди. Машғулотларда аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Келажак авлод олдида масъулмиз

«Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омил ҳақида гапирганда, аввало, одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик хисси, сиёсий ғоаллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим.

...Бунинг натижасида мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган Маросимда Президент таъкидланган ушбу фикрлар ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди, албатта. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, ёшларни эзгу анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг куч ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими шундан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада такомиллаштиришга, партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун мавжуд куч ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, фарзандларимизнинг ижтимоий-сиёсий жара-

ёнлардаги иштирокини кенгайтириш, шахсий бизнесини йўлга қўйишда уларга яқиндан қўмаклашиш, бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардир. Утган қисқа давр орасида жойларда ушбу мавзуларга оид 185 та тадбир ташкил этилиб, 14134 нафар йигит-қиз қамраб олинди. О'zLiDeP соғлом фикрли, ҳар томонлама етук, баркамол инсонларни камол топтириш рафдорлари. Хусусан, ҳозирги тавоқланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида гоёвий-сиёсий тарбияга катта эҳтиёж сезилмоқда. Бу ўринда партиявий лойиҳаларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашга тўғри келади.

Жумладан, яқинда ўтказилган «Хавфсиз интернет» лойиҳаси доирасида «Интернет маданияти: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги тадбирда 400 дан ошмиқ ёшлар иштирок этиб, улар ўртасида интернет манбаларидан фойдаланишга оид сўровномалар ўтказилди ва муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Вилоятимизда ёшларни тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига кенг жалб этиш, улар ўртасида бандлик даражасини

оширишга қаратилган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Ёш фермер» каби партиявий лойиҳалар ҳам тобора омалашмоқда. Дейлик, 2014 йилда «Ишбилармон талаба» стипендияси кўрик-танловининг вилоят ва туман (шаҳар) босқичларида 700 нафардан ортиқ талаба-ёшлар иштирок этишган бўлса, 2015 йилда уларнинг сони юз нафарга ошди. Умуман, 2010-2015 йиллар давомида лойиҳанинг республика босқичида ғолибликни қўлга қиритган сурхондарёлик 15 нафар иқтидорли ўғил-қиз О'zLiDeP стипендиясига сазовор бўлишди.

Хусусан, 2010 йилдан бери ўтказиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ҳам ёшлар ўртасида катта қизиқиш ўйотмоқда. Ҳозиргача унда 2300 нафардан зиёд битирувчилар иштирок этиб, шулардан 154 нафари 484 млн. 300 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлди. Шу ҳисобдан худудларда 160 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Утган 2015 йилда мазкур лойиҳа доирасида тижорат банклари томонидан коллеж битирувчиларидан 140 нафарига 1 млрд. 280 млн. сўм-зудаги тадбирда 400 дан ошмиқ ёшлар иштирок этиб, улар ўртасида интернет манбаларидан фойдаланишга оид сўровномалар ўтказилди ва муҳим фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Вилоятимизда ёшларни тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятига кенг жалб этиш, улар ўртасида бандлик даражасини

Мисол учун, ўзим беvosита қатнашган иккинчи гуруҳда бу яққол кўзга ташланди. Гуруҳ аъзоларининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизациялаш ва уларга инвестицияларни фаол жалб этиш мавзусига доир таклифлари кўпчилиikka маъқул бўлди. Яъни, мамлакатимизда янги технологияларни олиб келувчи марказ ташкил қилиш ва уларга солиқ ва божхона имтиёзларини яратиш, экспорт жараёни янада либераллаштиришга оид таклифлар шулар жумласидандир. Аини пайтда биз билдирилган таклиф ва тавсияларни умумлаштираямиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқув машғулотлари давомида О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари мутасадди идоралар раҳбарларининг қонунлар, давлат ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси юзасидан эшитувларини ташкил этишнинг таъсирчан усулларини ишлаб чиқиш, бошлангич таъкидлаш ва депутатлик гуруҳларининг жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш бўйича тажриба алмашишди.

этиб, юқори натижаларга эришдим, — дейди Денов туманидаги қишлоқ ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчиси Донёр Омонов. — Ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган ўқув-семинарлар давомида бизнес фаолиятини йўлга қўйиш бўйича кенг тушунчага эга бўлдим, сиёсий дунёқарашим янада кенгайди. Тижорат банки томонидан менга 12 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилган эди. Шу ҳисобдан брусчатка ва шлакоблок ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир цехимизда 15 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда.

О'zLiDePнинг Сайловолди дастурида мамлакатимизда қонунчилик амалиётини такомиллаштириш, ёшларни ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишига кенг жалб этиш, уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш ва касбий маҳоратини ошириш, бунинг учун жойларда зарур шарт-шароит яратиш масалаларига кенг ўрин ажратилган. Чунки ёшлар келажакимиз таянчи, умримиз давомчиларидир. Уларни милл-ди анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш, эзгу орзу ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида барча имкониятлардан фойдаланиш бундан кейин муҳим партиявий вазифамиз бўлиб қолади. Зеро, сизу биз — барчамиз келажак авлод олдида бирдек масъулмиз.

Д.РАХМАНОВА,
О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Мафкуравий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудири.



Муносабат

Зарофат МУҲАМЕДОВА,
Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси:

Давлатимиз раҳбарининг халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидланганидек, ҳақиқатан ҳам ҳар бир юртининг бугуни, эртаси, келажакини унинг халқи яратади. Халқка яқин бўлиш, унинг дарди билан яшаш, меҳнат қилиш эса кўпга бош бўлган раҳбарлардан катта масъулиятни талаб қилади. Президентимиз сессияда раҳбарлик инсондан қандай фазилат ва хусусиятларни талаб қилиши ҳақида атрофлича тўхталар эканлар, энг катта куч — бу ҳақиқатдир, унга суянган одам ҳеч қачон пушаймон бўлмаслигига алоҳида ургу берганликлари ҳам бежиз эмас.

Юртбошимиз қайси вилоятда бўлиб, қайси соҳа вакиллари билан дилдан суҳбатлашмасинлар, биринчи навбатда, аҳолининг яшаш тарзи, ижтимоий масалаларнинг ечилиши, янги иш ўринлари ташкил этишнинг ҳолати, бунда тадбиркорлар, фермерлар, депутатлик гуруҳлари фаол бўлиши кераклигини албатта уқтирадилар. Мен ушбу сессияда қатнашиб, Президентимизнинг вилоятимиз иқтисодиёти ривожига рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, шу билан бирга юз бераётган айрим салбий ҳолатлар ҳақида билдирган мулоҳазаларини тинглар эканман, биз — вилоят ва туман кенгашларига сайланган депутатлар сайловчи-

ларимиз, электоратимиз олдида ана шундай талабларга қай даражада жавоб бераёلمиз, деган саволни ўзимга бердим.

Аслида кўпга етакчи бўлиш нақадар маъсулиятли экани, бунга ҳар кимнинг ҳам қурби етмаслиги, бу иш инсондан мустаҳкам ирода ва иймон-этикод талаб қилишига яна бир бор гувоҳ бўлмоқдамиз. Чунки оддий мутахассисдан тортиб, туман, шаҳар, вилоятнинг биринчи раҳбаригача фақат бугунининг эмас, балки доимо эртанинг ташвиши билан яшаш заруратини замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Партиямиз аъзоларидан халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган 24 нафар, қолаверса, туман ва шаҳар кенгашларига сайланган 200 га яқин депутатнинг ҳар бири аввало ўзларининг сайлов округларида, электорат олдида масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатиши, бу борадаги иш тартибини қайтадан қўриб чиқиши энг тўғри ҳулосадир.

Халқ юксак ишонч билан кимгадир қуйи, кимгадир юқори лавозимни лойиқ қўрган ёки бизни депутат этиб сайлаган экан, сессияда айтиб ўтилганидек, ҳар бир раҳбар учун лавозимни, обрўини эл-юрт бериши, лекин унга ишониб топширилган лавозимни аввало унинг ўзи йўқотиши, бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқатлигини доимо юракдан ҳис этиб яшашимиз ва ишлашимиз шарт, деб биламан.



ХУДУДЛАРДАН хабарлар

Партия Фарғона вилоят кенгашида ўтган йил якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Вилоят О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, кенгаш раиси Раҳматилло Камолов ўтган йили олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли 21 та талбиркорлик субъекти ва фермер хўжалиқларидаги 1500 нафардан зиёд фуқарони бир-лаштиришга аниқ бошлангич

ташкилотлар тузилганини таъкидлади. Шу давр мобайнида турли мавзуларда жами 300 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди. Хусусан, партия «Ёшлар қаноти»нинг «Диплом билан — бизнеcта» лойиҳаси доирасида 4000 нафардан зиёд коллеж битирувчилари қамраб олинди, уларнинг 160 нафарига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилиб, 500 дан

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Солиҳон Мўминов 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ҳамда партия Сайловолди дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди. Алоҳида таъкидланганидек, олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ўтган йили 12 та янги БПТ тузилиб, аъзоларнинг умумий сони 15 минг 314 нафарга етган.

Тадбирда, шунингдек, О'zLiDeP шаҳар, туман кенгашларида, бўлимларда амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтиди. Жумладан, О'zLiDeP вилоят кен-

гаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан ташкил этилган «Диплом билан — бизнеcта» лойиҳаси доирасида 51 нафар битирувчига 366 миллион 900 минг сўм, Аёлларнинг сиёсий фаолияти, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида 27 та аёлга 380 миллион сўм, Тадбиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида тадбиркорлик субъектларига 417 миллион сўмлик кредитлар олиб берилишига эришилди ва 53 та янги иш ўрни яратилди.

Маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлари томонидан худудий дастурлар ижросини назорат қилишда

О'zLiDeP Самарканд шаҳар кенгашининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида партиянинг шаҳар кенгаши вакиллари, халқ депутатлари Самарканд шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлари, БПТ етакчилари ҳамда фаоллар қатнашди.

Ўтган йили халқ депутатлари Самарканд шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз томонидан 2 та депутатлик назорат-таҳлил фаолияти, 14 та эшитув ҳамда 46 та депутатлик сўрови

амалга оширилди. Қолаверса, депутатлик назорати туфайли 18 миллиард, 314,6 миллион сўмлик 14 та лойиҳа амалга оширилиб, 180 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Лекин бу хали хотиржамликка асос бўлмайди. Шу боис навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда шунингдек, БПТлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, Самарканд шаҳрида партия фаоллари ҳамда бошлангич

зиёд янги иш ўринлари яратилишига эришилган.

Йиғилишда Фарғона, Қувасой, Марғилон шаҳарлари ва Олтиарик, Учқўприк, Қўштепа ҳамда Бөгдод туманларида партиявий ишлар тўғриси йўлга қўйилган таъкидланди, Фарғона, Ёзёнов, Ўзбекистон ҳамда Фуркат туманларида қатор камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилди.

Музокарада халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутатлари, партия фаоллари, туман кенгаши раҳбарлари иштирок этди.

Юсуфжон ЮСУПОВ,
О'zLiDeP Фарғона вилояти кенгаши бўлими мудири.

бир қатор ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, Мингбулоқ, Косонсой ва Пон туманларида электорат манфаатларини ҳимоя қилишда вакилларимиз ўз ваколатларидан етарли даражада фойдаланмагани, доимий комиссияларга долзарб масалалар киритилмагани танқид қилинди.

Музокарада халқ депутатлари Наманган туман кенгаши депутати Авазхон Иномов, О'zLiDeP Учқўрғон туман кенгаши раиси Дилором Эсонбоева ҳамда Ўйчи туман кенгаши раисининг аёллар масалаларини бўйича ўринбосари Раънохон Хамдамова ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Матбуот хизмати.

ташкилотлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биргита ўтган йили БПТлар сони яна еттигата ошган. Аини кунга келиб фаоллар сони уч минг юз нафардан кўпроқни ташкил этмоқда.

Кенгайтирилган қўшма мажлисда навбатдаги режалар келишиб олинди ҳамда қуйи бўғинларнинг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларини самарали ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз мухбиримиз.

4 Кишлоқ Мулкдорлари

...Тақдирнинг қутилмаган зарбаси аччиқ бўларкан. Учинчи фарзандини тупроққа қўйган Гулбодомнинг кўзига дунё қоронғу кўриниб кетди. Бошига тушган мусибатни бироз бўлса-да, унутиш учун эрта тонгда туриб, елкасига кетмонини олди. Аммо ўша тобда ўзи севган кенг далалар ҳам кўнглига сиғмасди. Бейхтиёр шашти қайтиб, эгатлар орасига мук тушди. Кўнгли бесаранжом, кўзларидан оққан аламли ёшларни тиёлмас эди. «Ўзингни қўлга ол, Гулбодом», деган фикр ўтди бейхтиёр хаёлидан. «Сен яшашинг керак. Инсонни продаси тоблайди. Келажагинг ҳали олдинда. Ҳаёт синовларига дош беришинг лозим!»



Гулбодом фермернинг дадил одимлари

■ Дилора ЭСОНОВА,
«XXI asr» мухбири

Одам тафтини одам оларкан. Ўша кезларда кишлоқдошлари уни ёлғизлатиб қўйишмади. Жўшқин меҳнат, келажакка ишонч аёлга дардини унутишида ёрдам берди. Қалбига муҳрланган меҳр-оқибат туйғуси, орадан анча йиллар ўтган бўлса-да, ҳамон Гулбодом опага йўлдош. Ҳалол меҳнати орқали обрў топди, элга танилди. Айни чоғда икки ўғил, бир қизнинг онаси, 15 нафар неваранинг севимли буви-жониси бўлган Гулбодом Донабоева Сирдарё туманидаги «Дилшод» фермер хўжалигининг раҳбари, «Янгиобод» маҳалласида маслаҳатчи, O`zLiDeP фаолларидан бири.

— «Янгиобод»ликларнинг бирор тadbири Гулбодом Донабоевасиз ўтмайди, — дейди Сирдарё тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Хусанова. — Тўй-ҳашамларни камчиқим ўтказиш борми, оилалардаги келишмовчиликлар борми, барига ўзи бош-қош. Шу боис туманда уни кўпчилик яхши танийди ва ҳурмат қилади. Ушбу таърифу тавсифлар бежиз

эмас. Инсон меҳнати орқали кадр топади. Г.Донабоева нафақат ҳалол меҳнати, балки ижтимоий-сиёсий жабҳадаги фаол иштироки билан ҳам ибрат бўлмоқда. Ўзининг 63-баҳорини қаршилаётган опахон Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига биринчилар қаторида аъзо бўлган эди. Чунки ушбу партиянинг мақсад ва ғоялари унинг ҳаётий интилишларига тўла мосдир.

Мамлакатимизда бошланган иқтисодий ислохотлардан руҳланиб, биринчилар қаторида кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этди. Ўтган давр мобайнида хўжалик ерлари 16 гектардан 52 гектарга кенгайди. Самардорлик ҳам шунга яраша. 2015 йилда ялпи даромад 160 миллион сўмни ташкил қилди. Шунинг 40 миллион сўми соф фойда. Шартномадан ортиқча етиштирилган бугдойнинг 18 тоннаси ишчилар ўртасида тенг тақсимланди.

Хўжаликда 10 нафар доимий ишчи бор. Мавсумнинг авж палласида яна шунга ишчи қўшилади. Унумли меҳнат қилиш учун хўжаликда барча шарт-шароит яратилган. Мавжуд 2 та МТЗ-80 русумли трактор, культиватор, сеялка ва

бошқа хилдаги замонавий техника воситалари жамоа мушкулини осон қилмоқда. Турмуш ўртоғи, механизатор Суён Тожиев ва икки нафар ўғли опанинг яқин таянчи. Дилмурод сувчилик қилса, Дилшод иш юритувчиликни бажаради. Рўзгор бут, турмуш фаровон. «Нексия», «Дамас» русумли автомобиллар оила аъзолари хизматига ҳамиша шай.

Келинлари Шоҳидахон ва Холидахон ҳам ҳовлидаги 16 сотихлик томоркага алоҳида меҳр қўйишган. Помидор, бодринг, сабзи-пеъздан тортиб, булғор қалампир, ловия, ошқовоққача томорканинг ўзидан чиқади. Бу ҳам бўлса, ерга меҳр ва тадбиркорликнинг яна бир кўринишидир.

Тиниб-тинчимас фермер Г.Донабоева айни кунларда ўғилларини ёнига олиб, замонавий чорвачилик фермасини ташкил қилиш ташвиши билан банд. Ҳозирда уларнинг хўжалигида 30 бош қорамол, жумладан, 5-6 бош соғин ситир, 30 бош қўй боқилляпти. Маълум бўлишича, тайёёрланган сифатли сут, қатиқ, сузмани шахарликларнинг ўзлари келиб олиб кетишар экан.

Қишлоқда томоркасиз хона-

доннинг ўзи йўқ. Шу боис бекорчи одамни топа олмайсиз. Ҳар бир хонадонда қорамолдан тортиб, қўй-қўзи-ю паррандагача боқилади. Мана, бир неча йилдирки, оилавий қўйди-чикди, жиноятчилик ҳолатлари қайд этилгани йўқ. Изланувчан фермер, маҳалла фаоли Г.Донабоеванинг таъкидлашича, кам таъминланган оилалар таъминотига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, битируви ёшларни касбга йўналтириш, мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи диққат марказида тutilаётир.

— Қишлоқ мулкдори учун ҳар фурсат ғанимат, — дейди у. — Хўжалигимиз аъзолари шу кунларда мавжуд техника воситаларини баҳорги мавсумга созлаш, униб чиққан бугдой майсаларини агро-техника талаблари асосида парвариллаш, вақтида ўғитлаш, сугориш ва яхоб суви бериш каби юмушларни оби-тобида бажариш учун тиним билишмаяпти. Мақсадимиз жорий йилда янги муваффақиятларга эришиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш ва юртимизнинг иқтисодий қудратини оширишга муносиб хиссамизни қўшишдан иборатдир.

«O`zLiDeP дастурий ғояларини қўллаб-қувватлайман»

Кундан-кунга O`zLiDeP хайрихоҳлари, тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Чунки ушбу сиёсий куч ўзини амалий ишлар партияси сифатида намоён этмоқда.

— Ушбу партияга аъзо бўлганимдан хурсандман, — дейди Хўжайли туманилик яққа тадбиркор Равшан Қаландарова. — Фаолиятим савдо-сотиқ йўналиши бўлгани учун ҳам ушбу партиянинг мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайман. Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун қулай шароит ва имтиёзлар яратилаяпти, қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул

қилиняпти. Бунинг натижасида тадбиркорлик субъекти вакиллари, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билган ҳолда, қонунга мувофиқ фаолият юритмоқда. Орезуларим бисёр. Корхонамни кенгайтириб, қўллаб-қўллаб битирувчиларини иш билан таъминлаш ниятидаман.

O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Ўзини оқлаётган ёндашув

Самарқандда фермер хўжаликларини оптималлаштириш, кўп тармоқли субъектларни ташкил қилиш ва янги иш ўринлари яратиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Нурқулов иштирок этиб, кейинги йилларда аграр тармоқда эришилган натижалар, жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар ҳақида сўз юритди.

— Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониغا асосан 2016 йилда жойларда фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди, — деди у. — Жумладан, жорий йил давомида 2328 та фермер хўжалиги кўп тармоқлига айлантирилиши баробарида 2482 та янги лойиҳа ишга туширилади. Бу эса замонавий хизматлар йўлга қўйилиши, аҳоли турмуш сифати янада ортиши демакдир. Шу билан бирга 9200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

Электорат ҳиссаси

Ўтган 2015 йилда Кармана туманида барча манбалар ҳисобидан беш мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Олинган маълумотларга кўра, туманда ўтган йил давомида соҳага оид 118 та янги лойиҳа ишга туширилган. 14 та паррандачилик, 16 та чорвачилик ҳамда 8 та балиқчилик фермер хўжалиги иш бошлаган. 4 та фермер хўжалигида 10 гектардан зиёд майдонда интенсив боғ яратилган. 10 та иссиқхона ва асаларичилик фермер хўжалиги дастлабки маҳсулотларини эл дастурхонига тортиқ этган.

— Туманда яратилган жами иш ўринларининг 70 фоизи сафдошларимиз етакчилигидаги ёки партия электорати вакиллари бўлган тадбиркорлик субъектлари аъзолари ҳиссасига тўғри келмоқда, — дейди O`zLiDeP Кармана туман бўлими аппарати раҳбари Жонибек Шодмонов. — Янгидан иш бошлаган ва фаолият олиб бораётган 200 дан ортиқ фермер хўжалиги аъзоларининг саъй-ҳаракат-

лари билан ўтган йили туманимизда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий манбаларидан бўлган гўшт, сут, асал, балиқ ва бошқа кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ошди.

Шу аснода, тумanning ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурида кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш баробарида, саноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сервис ва хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада жадал ривожлантириш ва бу борада мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солишга эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr» мухбири.

«Khorezm tech»дан «Йўлдош Мажид»гача

Хоразмга ташриф буюрган меҳмонлар бу воҳа қадимий шаҳарлари, гўзал табиати, бой маданияти, энг муҳими, ҳар кунни жасорат билан иборат одамларнинг интеллектуал салоҳияти, ноёб билим ва бетакрор тажрибаси, деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандлик, тижоратдаги маҳорати билан асрлар оша дунё аҳлини ўзига мафтун қилиб келаяётганини алоҳида эҳтиром билан таъкидлашади.

■ Янгибой Бозорбой ўғли

Дарҳақиқат, бугун бу ерга келган киши наинки тобора чирой очиб бораётган Урганчда, балки вилоятнинг олис ҳудудларидаги ажойиб аҳоли масканларида ҳам янги-янги корхона ва ишлаб чиқариш объектлари ишга тушаётганини кўриб, чин қалбдан эътирофлар айтгиси келади.

Хоразмда саноат кишлокка дадил кириб бормоқда. Мисол учун, Урганч туманидаги Чаккашоликор кишлоғида «Khorezm tech» Ўзбекистон-Жанубий Корёя

қўшма корхонаси ташкил этилди. Ушбу масъулияти чекланган жамият бир йилда 1,5 миллион жуфт 22 хил эркаклар ва 12 хил аёллар пайпоғи ишлаб чиқармоқда. Юксак сифат биринчи кундан бошлаб корхонанинг бош широгига айланган. Шу боис янги корхона ўтган йили Президент соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» танловининг вилоят босқичида «Энг яхши экспортчи» номинациясида ғолиб бўлди. Диверсификация бу жамоада устувор йўналиш ҳисобланади. Тез кунлар ичида «Khorezm tech» замонавий телевизор ва ком-

пьютерлар учун сифатли мониторинглар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўяди.

— Бизнинг бош мақсадимиз вилоят истеъмол бозорини аввал бу ерда ишлаб чиқарилмаган, яъни бутунлай янги маҳсулотлар билан тўлдиришдан иборат, — дейди Богот туманидаги «Yavmut Nihol» масъулияти чекланган жамияти раиси ўринбосари А.Абдуллаев. — Биз беш йил муқаддам фаолиятимизни бир неча хил атир совунлар ишлаб чиқариш билан бошлаган бўлсак, бугун 20 хил ювиш воситаларимиз юксак дидли харидорларни қувон-

тирмоқда. Бугун корхонамизда ишлаётган 20 кишининг асосий қисми касб-хунар коллежлари битирувчиларидир.

Қайд этиш зарурки, вилоятда 2015 йил кишлоқ хўжалиги учун барақали келди. Деҳқон ва фермерларимиз 224 минг тонна ғалла ва 264 минг тоннадан ортиқ пахта ҳосили етиштирилди. 2014 йилга нисбатан 500 тонна ғалла ва 6,6 минг тонна кўп пахта ҳосили олинди. Фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 1 минг 390 таси кўп тармоқли субъектларга айлантирилди. Кейинги йилларда 31,3 миллиард сўмлик маблаг ҳисобига 1,6 минг километр узунликдаги коллекторларда мелiorатив тадбирлар ўтказилиб, 26,1 минг гектар майдонда ерости сувлари сатҳи пасайтирилди.

Аграр тармоқда замонга мос ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклашга

мўлжалланган жами 3 минг 820 тоннадан ортиқ сизимга эга 14 та замонавий совуткичли омборхона ва саклов хонаси қурилди. Экин майдонларини мақбуллаштириш ҳисобига янги фермер хўжаликларни ташкил қилинмоқда. Илгор агротехнологиялар жорий этилган ҳолда соҳани комплекс механизациялаш ҳамда хомашё ресурсларини қайта ишлаш чуқурлаштириляпти. Мисол учун, Хива туманидаги «Йўлдош Мажид» фермер хўжалиги 8 хил сут маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйди, новвойхона очди. Буламани ёғ келтиради, деганларидек, ўтган йили фермер хўжалиги 10,5 миллион сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатди.

Бундай пешқадам кишлоқ мулкдорларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар наинки ўз турмуши, балки ҳамюртларининг ҳаёти янада гўзал, фаровон бўлишига улуш қўшаётирлар...

ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА...

МУЛҚДОР — МАНФААТДОР

Ўтган йил якунлари бўйича вилоятдаги 453 та тадбиркорлик субъектининг «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» ўрганилганда, назорат қилувчи идоралар томонидан жами 76 маротаба (солиқ идоралари 49 та, ДСЭНМ 16 та, ИИБ ЁХБ 11 та) ушбу китобни тўлдириш қоидаларига риоя этилмагани аниқланди. Бундан ташқари, тадбиркорлар манфаати суд тартибида ҳимоя қилинишига эътибор қаратилиб, жами 58 та даъво аризаси киритилди.

А.ХАИТОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 6 (638)-son, 2016-yil 11-fevral, payshanba

Таянч нуқталар «ИМТИҲОН»га тайёр

О`zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ТЕГИШЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 15 ФЕВРАЛИДАН 15 АПРЕЛИГА ҚАДАР О`ZLIDEP БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Партия бошланғич ташкилотлар орқали омма орасига чуқур кириб боради. Партиянинг сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён этиши ҳам уларнинг нечоғли уюшқоқлик билан ишлаши, зиммаларидаги вазифаларга қай даражада масъулият билан ёндашишига боғлиқ. Электорат, мулкдорлар қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, дастурий мақсадларни амалга оширишда БПТларнинг аҳамияти бекиёс. Келгуси ҳафтадан бошланадиган ҳисобот-сайлов йиғилишлари эса ана шу ҳал қилувчи бўғин фаолияти хусусида аниқ ҳулосалар чиқариш имконини беради. Қайд этиш керакки, ушбу муҳим тадбирларда таянч нуқталар ишини баҳолаш, раис ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш энг асосий вазифа ҳисобланади. Чунки ташаббускор, ислохотларнинг янги босқичида партия олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишга қодир кадрларгина маслаҳотларимиз ишончини оқлаши мумкин. Бинобарин, бугунги кунда атрофига 278 мингдан зиёд партия аъзосини бирлаштирган 9680 та қўйи бўғинга муносиб етакчилар раҳбарлик қилиши истиқболдаги устувор вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига хизмат қилади. Шундай экан, ташкилий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа нуқтаи назардан қаралганда, ўтган йилги ҳисобот-сайловлардан қандай сабоқлар чиқарилди? Қўйи ташкилотлар фаолиятини янги босқичга кўтариш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинмоқда? Шу сингари саволлар билан пойтахтимиздаги партия туман ташкилотлари вакилларига мурожаат этдик.

ЕТАКЧИЛИККА КИМЛАР САЙЛАНАДИ?



Абдунаби МУХРИМОВ,
О`zLiDeP Чирчиқ туман кенгаши раиси
биринчи ўринбосари:

— Холисона айтидиган бўлсак, ўтган йили айрим жойларда муҳим тадбирларга талаб даражасида ҳозирлик кўрилмагани натижаларга ҳам бирмунча таъсир этди. Ваҳоланки, ҳар қандай ишнинг муваффақияти ёхуд бунинг аксича бўлиши, аввало, унга қанчалик пухта тайёр-гарлик кўрилганига боғлиқ. Тадбир учун эса муайян вақт керак. Бинобарин, амалдаги йилда жойларга тегишли ахборотлар, тарқатма материаллар ва бошқалар кечиктирилмай, ўз вақтида етказилди.

Партия Уставининг 9.4-бандида ҳисобот-сайловларга оид вазифалар муфассал баён қилинган. Бунинг илобатга олган ҳолда, фикримча, юқори партия органларининг тегишли кўрсатмаларини кутиб ўтирмай, мазкур жараёнга тааллуқли ишларни эртaroқ бошлайвериш керак. Токи БПТлар етакчилари, маҳаллий кенгашлар ходимлари ва бошқа сафдошларимиз йиғилишларга пухта ҳозирланишлари учун шароит яратилсин.

Ўтган йили 3264 партия аъзосини жипслаштирган 106 та бошланғич ташкилотимиз зиммасидаги вазифаларнинг асосий қисмини тў-

лиқ уддалай олди, дея дадил айта оламиз. Биргина йўналишни олиб кўрайлик: 2015 йили қўйи бўғинларга аҳолидан 38 та мурожаат тушган ва уларнинг деярли ҳаммасига ижобий ечим топилган. Лекин таҳлиллар тумандаги кўплаб тадбиркорлик субъектлари ҳамда фаолияти асосан ишбилармонлар билан боғлиқ ташкилотларга кириб бормаганимиз, уларни ўйлантираётган муаммолардан беҳабарлигимиздан дарак бераётди. Бунинг сабабларидан бири — баъзи етакчиларнинг ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги, электорат билан алоқаларнинг мустақамлигини таъминлай олмаганида, деб биламан. Бошланаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ушбу масалага ҳам алоҳида аҳамият қаратилади ва қўйи ташкилотларнинг масъулиятсиз раислари ўрнига ёш, билимдон, ташаббускор инсонлар сайланади, деб ўйлайман. Зеро, БПТларга одамлар билан тез тил топиша оладиган, сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлишга астойдил интиладиган, изланувчан кишилар етакчилик қилиши керак.



ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ



Адолат ЭРГАШЕВА,
О`zLiDeP Олмазор туман ташкилоти БПТлар
билан ишлаш бўйича бош консултанти:

— Ҳисобот-сайлов йиғилишларининг партия фаолиятидаги аҳамиятини қисқача ифодалаб бериш қийин. Бир жиҳатни қайд этаманки, бу жараёнда партия кенгашлари ҳамда депутатлар, сайловчилар ўртасида кўприк бўлишдек масъулиятли вазифани бажараётган БПТлар мустақамлиги ўзига хос имтиҳондан ўтказилади. Шу боис уларни юқори савияда уюштириш талаб қилинмоқда. Ана шу омилни ҳам инобатга олиб, кўплаб сафдошларимиз ҳисобот-сайловлар даврида бошқа партиявий тадбирлар сони камайтирилиши зарур, деган жўяли мулоҳазани ай-

тишмоқда. Соғлом мантиққа таянувчи бу фикрни шахсан мен ҳам қўллаб-қувватлайман. Чунки ушбу таклифнинг амалга татиқ қилиниши фаоллар куч-ғайратини асосий йўналишга сафарбар этиш имконини вужудга келтиради.

Аввалги ҳисобот-сайловларда партиянинг таянч нуқталари тузилган айрим корхоналар, муассасалар раҳбариятининг вакиллари иштирок этмади. Ҳолбуки, ташкилот раҳбарлари ҳам партия қўйи тузилмалари фаолияти хусусида атрофли-ча маълумотга эга бўлишлари, тилга олинган жараёнда фаол иштирок этишлари

катта аҳамиятга эга. Жорий йилда ана шу камчиликни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, ўтган йили йиғилишлар учун ҳар томонлама қулай, етарлича жиҳозланган жойлар танланмагани ҳолатларига ҳам дуч келгандик. Эндиликда эса шу сингари ташкилий нуқсонларнинг олди олинишига жиддий эътибор қаратилаётди.

Яна бир гап: кўпинча БПТлар етакчилигида журъат, ташаббускорлик етишмаётганлиги ҳақидаги гапларни эшитишга ё ўқишга тўғри келади. Тўғри, қўйи бўғин раҳбарига кўп нарсаси боғлиқ. Лекин яқка ўзининг қанча ишни уддалашга қўрби етади? Шу маънода БПТ аъзолари бироз назардан четда қолаётгандек, «қарс икки қўлдан чиқади», деган ҳикмат унутилаётгандек туюлади кишига. Бу масалага ҳам йиғилишлар давомидида алоҳида эътибор қаратишни мўлжаллаяпмиз.

ҚАТЪИЯТ КЎРСАТИШИМИЗ КЕРАК



Ахмат НЕКБАЕВ,
О`zLiDeP Янқасарой туман кенгаши раиси:

— Ҳисобот-сайлов йиғилишлари қўйи тузилмаларнинг ўтган йилдаги фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш имконини беради. Шу боис жойларга чиқиб, бошланғич ташкилотлар етакчилари ва фаолларига зарур кўмак ва маслаҳатлар бераямиз. О`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши томонидан мазкур йўналишда мониторинг олиб борилаётгани ҳам диққатга молик.

Ҳисобот-сайловларда тезкор ва замонавий алоқа воситасига эътиёж катта. Шу маънода партия юқори органлари кўмаги билан ўтган йили ҳар бир туман кенгашининг электрон манзили ишга туширилиши қўйи ту-

зилмалар билан алоқаларнинг сони ва сифати янада яхшииланиши, фаолият самарадорлиги ортишига хизмат қилмоқда.

Ҳаммасаларига ўрнатилган кўрсатиб ишлаётган таянч тузилмалар раислари мунтазам рағбатлантирилаётганини ҳам эътироф этиш керак. Назаримда, мазкур йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш ва мукамаллаштириш зарур.

Бугунги кунда туманимиздаги 67 та БПТ 3190 та партия аъзоси фаолиятини мувофиқлаштиряпти. Бу, шубҳасиз, катта куч. Лекин баъзи бошланғич ташкилотларимиз хусусий сектор вакиллари қонуний манфаат-

ларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг талаб-эътиёжлари юзасидан юқори партия органларига таклифлар, тавсиялар тақдим этиш борасида бутун куч ва имкониятларини ишга солаётдилар, дея олмайдим. Ҳисобот-сайловларда бу жабҳадаги ахволни ўнглаш учун ҳаракат қиламиз. Шунинг баробарида жорий йилдаги йиғилишларда депутатлар ҳамда маҳаллий ҳокимлик масъул ходимларининг фаол қатнашиши кўзда тутилаяпти.

Қўйи ташкилотлар етакчилари ва аъзолари орасида келажакимиз эгалари саналган салоҳиятли ёшлар кам эмас. Сафларимизда уларни бундан-да кўпайтириш диққатимиз марказида турган масаладир. Ҳисобот-сайловларда фаоллар қатъият кўрсатиб, бу йўналишда ҳам ижобий натижаларга эришишларига ишончим комил.

«XXI asr» мухбири
Беҳзод ИСРОИЛОВ
ёзиб олди.



О`zLiDeP УСТАВИДАН

«Бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши бошланғич партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилиши зарурат бўлган пайтларда, аммо бир йилда камиди 4 марта ўтказилади. Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишида унинг раиси ва ўринбосари бир йил муддатга сайланади. Бошланғич партия ташкилоти умумий йиғилишининг раиси ва раис ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарори туман (шаҳар) партия кенгаши Ижроия қўмитаси қарори билан тасдиқланади».

Салоҳият синови

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, аввало, аҳолининг партиямизга ишончини янада мустаҳкамлаш, нуфузини оширишда катта аҳамият касб этади.

— Шу боис БПТ ҳисобот-сайлов йиғилишларини юқори савияда ташкил этиш учун махсус иш режаси ишлаб чиқилди. — дейди БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Ш. Муродова. — Хусусан, партия ҳудудий ташкилоти масъул ходимлари жойлардаги таянч тузилмаларга бириктирилди. Улар қўйи бўғинларга тегишли ёрдам ва маслаҳатлар беришмоқда. Бу муҳим тадбирларда етакчиларнинг ҳуқуқий-иқтисодий, сиёсий-ижтимоий билимларни қай даражада эгаллаганликлари ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Чунки айнан қўйи ташкилотлар кўмағида биз жамоатчилик фикри шаклланишига таъсир кўрсатиб, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишига эришяпмиз.

Дарҳақиқат, режага кўра ҳар бир ҳисобот-сайлов йиғилишига депутатлар, партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари жалб этиш, тадбиркорларни партиявий талаблар даражасида, кўтаринкилик, ишчанлик, ўз-ўзини танқид руҳида ташкил этиш мўлжалланаяпти. Мазкур йиғилишларда ижро интизоми аҳоли, аъзоларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида нечоғли фаол қатнашгани, депутатлар билан ҳамкорлик ва бошқа талай мезонлар бўйича БПТлар фаолиятига ҳолис баҳо берилади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr» мухбири.
Қашқадарё вилояти.

Янги БПТнинг режалари

Самарқанд вилоят наркология диспансерида О`zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилди. Таъсис йиғилишида О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Адҳам Хусайнов, партиянинг вилоят ҳамда шаҳар кенгашлари раислари ўринбосарлари, қўйи бўғинлар етакчилари қатнашди.

— Жамоатчилик ишларидан куч-ғайратини аямайдиган, партиямиз дастурий мақсадларининг тeрaн aнғлaйдигaн 20 нафар ходим БПТга бирлашди, — дейди янги таянч тузилмага раис этиб сайланган Наргиза Кенжаева. — Иш режамиздан партия фаолияти ҳақидаги ахборотларни жамоатчиликка етказиш ҳамда гивҳандликка қарши тарғибот ишлари ўрин олади. Шунингдек, ҳудудимиздан сайланган халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутати Азиз Ахоров билан қизиган ҳамкорликни йўлга қўйишни ҳам мўлжаллаяпмиз.

Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr» мухбири.
Самарқанд вилояти.

Элликтасига алоҳида эътибор

Фарғона вилоятида О`zLiDePнинг 547 та бошланғич ташкилоти фаолият юртяпти. Эътиборлиси, уларнинг 150 тасига ҳаётини партиямиз дастурий гоя ва мақсадлари билан боғлаган хотин-қизлар бошқаряпти. Аунки кунларда қўйи тузилмалар ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта ҳозирлик кўрмоқда.

— Жорий йилда ҳудуддаги қўйи бўғинларнинг 50 тасида илк мартаба ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилади, — дейди партия вилоят ташкилоти БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Абборбек Ҳамдамов. — Мазкур таянч тузилмаларнинг етакчилигига Сиёсий таълим маркази томонидан зарурий сабоқлар берилди. Яқинда ташкил этилган ўқув-семинарларда ҳам барча БПТ раисларининг билим ва малакаси мустаҳкамланди. Шу билан бирга уларнинг жорий йил учун тузган иш режаларига Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якули ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган тегишли ўзгартиришлар киритиш борасида аниқ тавсиялар берилди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, барча БПТларга халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларидаги 221 депутат бириктирилган. А. Ҳамдамовнинг айтишича, депутатларга ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишларида қўйи бўғинларнинг ўтган йилдаги фаолиятини сарҳисоб қилиш, шунингдек, етакчиларнинг савияси, партия сафига янги аъзоларни қабул қилиш борасидаги сайё-ҳаракатлари, жойларда кичик бизнеснинг кенг қулоч ёйишига ва партиянинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар самаларини баҳолаш бўйича муайян йўл-йўриқлар берилган. Қўйи бўғинлар фаолиятини таҳлилий-танқидий тарзда баҳолаш мақсадга мувофиқлиги тушунтирилган.

Аҳроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr» мухбири.
Фарғона вилояти.

Жамоатчилик билан алоқанинг амалий ифодаси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, амалга оширилаётган ислохотлар очкилиги ва ошқоралигини таъминлашга қаратилган демократик тамойилларни ҳаётга янада чуқурроқ татбиқ этишни ўз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири деб билади. О'zLiDeP ёшларни жаҳон ахборот тармоғидаги бузғунчи контентдан ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, миллий ахборот маконини босқичма-босқич ривожлантириш тарафдоридир.

Ушбу мақсад ва вазифаларини амалга оширишда партия оммавий ахборот воситалари орқали ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг муҳим масалаларини кўтариб чиқиш ва жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этишни, ҳоқимият ва бошқарув тизими фаолияти ҳамда қабул қилаётган қарорларига ҳолисона баҳо беришни кўзда тутиб, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида аҳамият қаратиб келмоқда.

Жумладан, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг Матбуот хизмати фаолияти янада такомиллаштирилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланди. Партия веб-сайти (uzlider.uz) замон талабларига мос равишда тубдан янгиланди. Ташриф буюрувчилар учун қатор қулайлик ва имкониятлар мавжуд бўлган мазкур сайтда партия фаолиятига оид янгиликлар, юртимиз ва хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар тезкорликда бериб борилаёпти. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, амалга оширилаётган ишлар натижасида веб-сайтими мавжуд сиёсий партияларнинг сайтлари рейтингда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Матбуот хизмати томонидан олиб берилган мониторинг натижасига кўра ўзбек, рус ва инглиз тилларида 2014 йилда

1260 та материал сайтга жойланган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 4492 тага етди. Жумладан, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятига оид 241 та, депутатлик гуруҳлари фаолиятига оид 265 та, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятига оид 286 та, аёллар ва ёшлар йўналиши бўйича 465 та ва бошқа йўналишлар бўйича 1260 та материал эълон қилинган.

Қолаверса, Матбуот хизмати мамлакатимизда фаолият юритаётган бир қатор оммавий ахборот воситалари билан ҳам мустақам алоқа ўрнатган бўлиб, уларда партия ҳаётига оид хабарлар доимий равишда ёритиб боришмоқда. Мазкур ишларнинг амалий ифодасини 2015 йил мисолида кўрадиган бўлсак, О'zLiDePнинг расмий нашри бўлмиш «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасидан ташқари республика газеталарида партиявий тадбирлар, лойиҳалар юзасидан жами 441 та мақола чоп этилди.

Шунингдек, 2015 йилда партия томонидан амалга оширилган тарғибот-ташвиқот ишлари, Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси қарор ва фармойишлари, иш режалари асосида ўтказилган мулоқоту давра суҳбатларидан телевидениянинг ахборот дастурларида 300 га яқин лавҳа эфирга узатилди.

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони ўн икки миллионга етган айни шaroитда партия фаолиятига оид хабарлар маҳаллий ва хорижий веб-сайтларда ҳам мунтазам ёритиб борилапти. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, сайтдаги мақолаларнинг савияси юқорилиги ҳамда рус ва инглиз тилларида эълон қилинаётганлиги хорижий сайтлар саҳифасидан жой олишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, сайтга ташриф буюрувчиларнинг сони ортишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустақамлаш, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини, ғояларини янада оммалаштириш, жамоатчиликнинг партиянинг истиқболдаги фаолиятига тааллуқли бўлган талаб ва таклифларини ўрганиш, аъзолар сонини янада кўпайтириш мақсадида ижтимоий тармоқларда О'zLiDePнинг махсус саҳифалари очилди. Унда масс-медиа имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда интернет журналистикасининг талаблари асосида бериб борилаётган ахборотларни визуаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қувонарлиси, партия веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга ташриф буюрувчилар эълон қилиб борилаётган ҳар бир материалга ўз муносабатларини билдириб келмоқдалар. Бу эса фуқароларимизнинг сиёсий билимлари ортиб, атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, О'zLiDeP фаолиятига бефарқ эмаслигидан далолат беради.

Сайёра АСРАНОВА,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия кўмитаси Матбуот
хизмати ходими.

Чорламоқда порлоқ келажак

2016 йил 10 февраль куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси О'zLiDeP фракцияси ҳамкорлигида Термиз туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-хунара коллежи мажлислар залида «Ким эдигу ким бўлдиқ? Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?» мавзусида очик мулоқот бўлиб ўтди.



Тадбирда «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Термиз давлат университети, О'zLiDeP «Ёшлар қаноти» аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳ аъзолари, партия электорати ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда маърузачилар томонидан юртимизда мустақилликдан кейин ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, хусусан мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат

сиёсатининг ҳуқуқий асослари тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали

интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялашга хизмат қилаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва ушбу соҳага тегишли 22 та қонунда ўз ифодасини топанлиги ҳамда Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустақамлаш, бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги эътироф этилди.

Айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва фермерликка жалб этишга қаратилган эзгу ғоянинг мазмун-моҳияти ёшларга воҳанинг таниқли тадбиркорлари, иқтидорли ёшлари, ёш спортчилари иштирокида етказилди.

Тадбирда асосий эътибор кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда юксак маънавиятли баркамол авлоднинг ролини янада ошириш, уларда ватанпарварлик руҳини камол топтириш, мустақиллик энг олий неъмат эканлигини ёшлар онгига сингдириш ҳамда ҳуқуқий онгини юксалтириш каби партиянинг устувор вазифаларига қаратилди.

О'zLiDeP Сурхондарё
вилоят кенгаши матбуот
хизмати.



СПОРТ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОХ ҚИЛИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ, УЛАРНИ ЎЗИ ҚИЗИҚҚАН СПОРТ ТУРЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИШ, СПОРТ МАЖМУАЛАРИДА БАРЧА ЗАРУР ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАН ЮКСАК ЭЪТИБОР ЎЗ САМАРАСINI БЕРАЁТИР



СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ЭРТАСИ

■ Мансур АСЛОНОВ,
«XXI ASR» мухбири

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони асосида Навоий вилоятида ҳам кўплаб замонавий спорт объектлари барпо этилмоқда. 2003-2015 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан вилоятда жами 88 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мажмуаларнинг 77 таси қишлоқ

худудларидаги умумтаълим мактаблари қошида барпо этилгани ўқувчи ёшлар учун кенг имкониятлар яратмоқда. Замонавий спорт масканлари 120 турдаги жами 4 миллиард 388 миллион сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди. Бугунги кунда вилоятдаги 16 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қарийб 13 минг 100 нафар ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланаётир.

— Ўтган йил вилоятимиз спортчилари ҳаётида қувончли воқеалар мўл бўлди, — дейди **Болалар спортини ривожланти-**

риш жамғармаси Навоий вилоят филиали директори Улугбек Жабборов.

— Жумладан, вилоятнинг чекка туманларида таълим олаётган ёшлар учун олти спорт иншооти бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Қизилтепа, Кармана, Конимех, Хатирчи, Учқудук, Навбахор туманларида спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, спорт ва бадий гимнастика, кураш турларига ихтисослашган заллар, ёпиқ сузиш ҳавзалари улар ихтиёрига топширилди. Бу эса, таълим

муассасаларида ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, шижоатли ва соғлом бўлиб камол топишларида муҳим ўрин тутати.

Эътирофли жиҳати шундаки, ушбу хайрли ишлар вилоятда жорий йилда ҳам давом эттирилади. Жумладан, Қизилтепа туманида айни кунда қурилиши бошланган ёпиқ сузиш ҳавзаси, 17-умумтаълим мактаби ёнида спорт зали, шунингдек, Навоий шаҳри, Хатирчи ва Навбахор туманларининг умумтаълим мактаблари ёнида спорт зали қурилиши режалаштирилмоқда.



«Бунёдкор» гуруҳ босқичида

Тошкентнинг «Бунёдкор» футбол клуби Осиё чемпионолар лигасининг плей-офф босқичида ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликларининг «Аш-Шабаб» жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, гуруҳ босқичига чиқди. Меҳмонлар дарвозасига кири-

тилган тўпларга Элдор Шомуродов (2, 35-дақиқалар) муаллифлик қилди. Шу тариқа, «қалдирғоч»лар ОЧЛнинг «В» гуруҳида Саудия Арабистонининг «Ан-Наср», Эроннинг «Зоб Оҳан» ва Қатарнинг «Лаҳвия» клублари қаторидан жой олди.

Полвонларимизнинг еттита медали

Россиянинг Подольск шаҳрида ўтган юнон-рум кураши бўйича халқаро турнирда ўзбекистонлик полвонлар еттита медалини қўлга киритди.

Вазни 85 килограммгача бўлган спортчилар беллашувида Муҳаммадали

Шамсиддинов олтин медалга сазовор бўлди. Феруз Тўхтаев ўз вазн тоифасида иккинчи, Ислам Баҳромов, Мирзабек Раҳматов, Нурбек Ҳошимбеков, Эрмат Шерматов ва Далер Раҳматов учинчи ўринни эгаллади.



Чусовитина — асосий даъвогар

АҚШнинг Хьюстон шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган Гран-при турнири таниқли спортчимиз О.Чусовитина учун омадли яқунланди. Оксана таяниб сакрашда олтин медалга сазовор бўлди. Вакилимиз кўпқурашда ҳам муваффақиятли иштирок этди. Мусобақада Чусовитина шоҳсупанинг иккинчи погонасидан жой олди ва апрель ойида бўлиб ўтадиган саралаш босқичида Олимпиада йўланмасини қўлга киритиш учун асосий даъвогар эканлигини исботлади.

Илк ўйинда илк ғалаба



Теннисчимиз Ф.Дўстов Италиянинг Бергамо шаҳрида бошланган «Челленжер» туркумидаги турнирни ғалаба билан бошлади.

Ҳамюртимиз мусобақадаги илк ўйинида босниялик Мирза Башич билан баҳс олиб борди. Бир соат 47 дақиқа давом этган беллашувда Фаррух рақибини 4:6, 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Иккинчи даврада Ф.Дўстов франциялик Грегуар Баррерга қарши кортга чиқди.

ШАҲРИСАБЗ — ТУРИЗМ ШАҲРИГА АЙЛанади



■ Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr» мухбири

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Қашқадарё вилояти бўйича ваколатли вакили Ўктам Хужаёровнинг айтишича, туризм — иқтисодий, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш, саёҳат қилиш билан биргаликда халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одати, анъаналари билан танишиш, ўрганиш имкониятини яратади. Хорижликларда юртимизнинг ҳаққоний тарихи, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ислохотлар ҳамда мустақиллик имкониятлари тўғрисида бой тасаввур яратишда туризмнинг ўрни бекиёс.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда 927 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, уларнинг 163 таси архитектура иншооти, 683 таси археологик ёдгорлик, 61 таси қадимий санъат асари, 20

ШАҲРИСАБЗДА О‘ЗЛИДЕР ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИКБОЛЛАРИ: КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ» МАВЗУСИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛДИ. УНДА «ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ, ДЕПУТАТЛАР, «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ФАОЛЛАРИ, ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТИШДИ. ТАДБИР ҚАТНАШЧИЛАРИ УЧУН МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ. ОҚСАРОЙ ВА БОШҚА ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРГА САЁХАТ УЮШТИРИЛДИ

таси зиёратгоҳдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 ноябрдаги «2013-2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ҳамда 2014 йил 20 февралдаги «Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари воҳанинг тарихий-маданий меросидан самарали фойдаланиш, тарихий архитектура ансамбллари ва ёдгорликлари ҳолатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётир. Хусусан, шаҳарни халқаро туризм шаҳрига айлантириш мақсадида кенг қўламда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳарнинг тарихий қисмида жойлашган «Ховузи Мардон» мажмуаси, «Коба карвонсаройи», «Молик Аштор» масжиди «Чубин»

Вилоятда **927 ТА** маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, уларнинг **163 ТАСИ** архитектура иншооти, **683 ТАСИ** археологик ёдгорлик, **61 ТАСИ** қадимий санъат асари, **20 ТАСИ** зиёратгоҳдир.

ва «Абдишукур оғалик» мадрасалари таъмирдан чиқарилди, «Оқсарой» мажмуасини «Дорус-тиловат» ва «Дорус-саодат» мажмуалари билан бириктирувчи сайилгоҳ барпо этилди.

«Аёллар қаноти» фаоли Шаҳноза Эркаеванинг таъкидлашича, шаҳарда миллий хунаrmандлик истиқлол йилларида кенг ривожланди. Чевар хотин-қизлар кўлида сайкал топган миллий каштачилик намуналари, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик маҳсулотларини хорижлик сайёҳлар катта қизиқиш билан

харид қилмоқдалар. Хунаrmандликни ривожлантириш асносида касб-хунаrmол-лежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда сезиларли ўсишга эришилмоқда. Бугунги тадбирдан кўзда тутилган мақсад ҳам Шаҳрисабз хунаrmандлик мактабини янада ривожлантириш, ёшларни интеллектуал қобилиятини намоён этишига кўмаклашишидир.

Тадбир сўнгидан партия фаоллари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар режаси белгилаб олинди.

АЖИБ ДУНЁ



Вируслар музейига марҳамат!



Чет эл оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, «The Internet Archive» нотижорат ташкилоти томонидан эски компьютер вирусларига оид бўлим ташкил этилди. Бундан мақсад эски даврдаги зарарли дастурлар ҳақидаги хотирани сақлашдир. 78 экспонатнинг катта қисми 80-90-йилларда MS-DOS операцион тизими учун ёзилган содда троянларга бағишланган бўлиб, он-лайн музейи меҳмонлари эндиликда сайтда эмуляторни бемалол ишга туширишлари ёҳуд «қурт»нинг модификация қилинган ва зарарсизлан-тирилган версиясини ўз компьютерига кўчириб олишлари мумкин.

Ана соату, мана соат

Samsung компанияси вена қон томирларининг жойлашувига қараб, эгасини аниқлаш мумкин бўлган «ақлли» соатлар бўлган «ақлли» соатлар бўлмақда. Компания бу борада патент олиш ишларини бошлаб юборган. Мутахассисларнинг фикри-


ча, вена қон томирлари чизмаси инсоннинг тери остида жойлашган бўлиб, бармоқ изларидан кўра анча ишончли ҳимоя воситасига айланиши мумкин. Яъни бармоқ излари каби уни сохталаштиришнинг деярли иложи бўлмайди.



Интернет трафиғи 1 зеттабайтдан ошади

Маълумотларга кўра, жорий йилда глобал тармоқ ҳажми кенгайди. Яъни глобал интернет трафиғи 1 зеттабайт (миллиард терабайтдан ортиқ)га етади. Cisco экспертларининг таъкидлашича, 2019 йилга бориб бу икки ҳисса ортади.

Тахминларга кўра, яна уч йилдан сўнг Ер юзидagi ҳар бир одам учун йилига 18 ГБ маълумот тўғри келади. Эътибор берилса, мазкур кўрсаткич 2014 йилда икки марта камроқ эди. Бундай тез ривожланиш сабабини мутахассислар мобил қурилмалар ривожини ва улардаги интернет тезлигининг ошиши билан изоҳлашмоқда.



Метеоритнинг илк қурбони

Ҳиндистоннинг Веллуру шаҳридаги инженерлар тайёрлаш коллежи биноси бўлимларининг бирига тушган метеорит туфайли бир киши ҳаётдан кўз юмган.

Марҳум коллежда автобус ҳайдовчиси вазифасида фаолият юритган. Қутқарувчилар эркак ҳалок бўлган жойдан зарб натижасида пайдо бўлган чуқурликни ва само жисмининг майдаланган бўлакларини топишган. Қизиқарлиси, илгари сайёрамизда бундай ўлим ҳодисаси кузатилмаган.

Поопо кўли энди йўқ

Европа космик агентлиғи йўлдош орқали олинган суратларни таҳлил қилиб, Боливиядаги катталиғи бўйича иккинчи ўринда турувчи Поопо кўли батамом бўғланиб, йўқ бўлиб кетганлигини маълум қилди, деб ёзади "Lenta.ru".

Шўр кўлнинг йўқолишини ернинг юза қатлами мониторингинг билан шугулланувчи ЕКА Proba-V кичик йўлдоши қайд қилган. 3 минг квадрат километр майдонни эгаллаган бу кўлнинг ҳалокати 2014 йил



апрелдаги, 2015 йил июлдаги, 2016 йил январдаги суратларда ўз аксини топпан.

Поопо кўлининг чуқурлиғи 3 метрни ташкил қилиб, унинг курғоқчил ерга жойлашуви иқлим ўзгаришларига таъсирчан қилиб қўйган. Кўл биринчи марта бўғланмаяпти, бундай ҳолат 1994 йилда ҳам кузатилган. Аммо экс-

пертлар Поопо —кўлнинг бу сафар ўзини тиклаши учун узоқ йиллар кераклиғи ва батамом йўқ бўлиб кетишидан хавфсизлашмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



Молиявий кўмак

ИҚТИСОДИЁТНИНГ УСТУВОР СОҲАЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

■ Фахриддин НУРАЛИЕВ,
«XXI asr» мухбири

Мамлакатимиз банк тизими молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида замон талабига мос фаолиятни амалга ошириш орқали иқтисодиётимизни ва халқ фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам шулар жумласидандир. Айни пайтда мазкур молия муассасаси томонидан йўналтирилаётган сармоялар халқ ҳўжалиғи тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Кейинги йилларда «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтиб, янги босқичга кўтарилди. Бунинг боиси банк мутасаддилари ишга замон талабидан келиб чиқиб ёндашаётганликлари ва бундай муносабат, албатта, мижозларга маъқул келаётганлиғидадир.

АЁЛ ТАДБИРКОР БЎЛСА, ОИЛА ФАРОВОН БЎЛАДИ

Мустақиллик шарофати билан аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, роли йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, тадбиркор опа-сингилларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётир. Уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, жойларда хотин-қизларни тадбиркор-

лик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлашда тиждорат банклари-нинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

— Ана шундай имконият ва шарт-шароитлардан руҳланиб, тадбиркорликка кўл уришга қарор қилдик. 2005 йилда тикувчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Tong Stile» корхонасини ишга туширдик, — дейди **корхона директори Дилдора Махмудова.** — Интилиш ва меҳнатимиз туфайли ишларимиз тобора ривожланиб бормоқда. Бизнесимизни янада кенгайтириш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» Мировод филиалидан бизнес лойиҳамизга асосан 150 миллион сўм кредит олдик. Ушбу молиявий кўмак ҳисобидан аҳоли бандлиғи учун қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди. Буларнинг барчаси аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганлиғи билан янада улкан аҳамиятга эга бўлиб бораётир. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга талаб ортиши бизларни янада самарали меҳнат қилишга ундамоқда.

ЭЪТИБОР ВА КЎМАК ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

Бугун ишлаб чиқариш жараёнларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларига устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Чунки саноатда замонавий технологияларни жорий этмасдан туриб, бозор талабига мос, яъни рақобат-

бардош маҳсулотлар тайёрлашнинг имкони йўқ. Юртимизда бундай лойиҳалар тиждорат банклари томонидан молиялаштирилаётгани эса муваффақиятлар омили бўлапти. Бу жараёнда «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам четда тургани йўқ.

Мазкур банк кредитларининг салмоқли қисми йирик саноат корхоналари билан бир қаторда кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилмоқда. Натижада янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, ички бозор сифатли ва арзон халқ истеъмоли моллари билан тўлишига сабаб бўлаётир.

— Корхонамизга асбоб-ускуналар ва техника сотиб олиш учун банкка мурожаат қилдик. Банк томонидан Хитой Халқ Республикаси кредит линияси маблағлари ҳисобидан имтиёзли муддатга 256000 АҚШ долларига яқин кредит маблағлари ажратиб берди, — дейди **«VOOLLEN TEKS» МЧЖ директори Анвар Рўзиев.**

— Ҳозирги кунда аҳолига сифатли ва арзон қурилиш материаллари етказиб берамиз. Маҳсулотларимизга талаб юкори бўлгани сабабли ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришни режалаштирямиз.

Тадбиркор ташкил этган корхонага борсангиз, банк молиявий кўмаги ҳисобидан яратилган янги иш ўринларида хизмат қилаётган ёшларга кўзингиз тушади. Қувонарлиси, мазкур иш ўринларида ўз ишининг чинакам мутахассислари бўлган

касб-хунаrmоллежлари битирувчилари фаолият юритмоқда.

Эътибор ва кўмак тараққиёт сари етаклайди, — дейди тадбиркор биз билан суҳбатда. — Келгусида янгидан-янги лойиҳаларга кўл урмоқчимиз. Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» бизнинг ақияни ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададқоримиз бўлиб қолади.

БЕҒАРАЗ МАСЛАҲАТЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ишбилармонлар учун аини муддао бўлмоқда. Шундай эгзу саъй-ҳаракатларда юртимиз молия муассасаларининг ўрни катта бўлаётир. Бу борада «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам мижозлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда ўз молиявий хизматларини кўрсатиб келмоқда.

— «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоасининг молиявий кўмаги, мижозларга самимий муносабати ва беғараз маслаҳатларидан миннатдоримиз, — дейди **«Petro Lux Oil» МЧЖ раҳбари Юлдуз Нормуродова.** — Бундан кейин ҳам ушбу банк билан яқин ҳамкорлик қилиб, кўплаб истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз. Механизмларни мой-



лашда фойдаланиладиган турли хилдаги мой ва мойлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида хомашё сотиб олиш мақсадида банкка кредит сўраб мурожаат қилдик. Банк маъмурияти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Бунинг натижасида юкори сифатли мойлаш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва янги иш ўринлари барпо этишга эришдик.

Ҳозирги пайтда банк филиали томонидан ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, лойиҳалар тахлили сифатини яхшилаш, янги молиявий хизматларни жорий этиш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Шу

мақсадда жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимиз молия бозоринда истиқболли, жадал ривожланаётган, бозор муносабатларига вақтида муносабат билдираётган, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар қўламини доимо кенгайтираётган банк сифатида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб, мижозлар ишончини қозониб бораётир.

Хизматлар лицензияланган.

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Тадбиркорлик, иштиёқ, тоза ният галабаси

С Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



Юкоридаги мисраларни ўқир экансиз, беихтиёр миллатимизнинг улуг пешволари, устунлари кечирмиш тақдир манзаралари хаёлдан ўтади, фалакнинг гардиши қошида сас-садосиз нотавон бўлиб эмас, яхшиликдан, яхшилардан умидвор бўлиб дунёга доврук солган билагию юраги пахлавон зотлар эсга келади. Эътибор беринг, Мирзо Улугбекнинг шукухли мактаби, Алишербекнинг улусда, давлат орасида ғоят нуфузли бир мартабаси халкнинг ёди-хотирида турган, замондошлик наҳдаси қалбларга малҳам бўлаётган бир паллада тарих майдонида яна бир улуг зот — Захириддин Бобур чиқиб келди.

У худди Жалолиддин каби ёвқур, Мирзо Улугбекдай оқил, Алишербек сингари назмий тафаккурда беназир сиймо эди. Улугларни муқояса қилиш одобдан эмас, валекин кези келганда эътироф эттиш керакки, Мирзо Бобур омилкорлик, тадбиркорлик борасида жаҳонгир бобосига яқин бир мартабада туради. Зотан, Бобур Мирзо сув ичган ана ўша булоқлар давлат тузишда, раиятга муносабат ўрнатишда, аёниларга мурувват кўрсатишда бекиёс қўлланма бўлди. Бу ўринда «Тузуқлар», «Тўрт улус тарихи», «Махбуб ул-қулуб» сингари донишмандона асарлар назарда тутилмоқда. Ўйлаб кўрилса, Мирзо Бобурга қадар ҳеч бир

давлатдорга бунчалар қўлланма, ҳаётий йўриқнома насиб қилмаган. Қўлланмаки, уни бегоналар, ёт элларда умргузаронлик қилган оқиллар эмас, ўз аждодлари, кони бир боболари битган бебаҳо намуналар эди. Муболагасиз айтиш мумкин: Мирзо Бобурнинг бахт юлдузи, омад қалити, аввало мана шундай тақдир илоҳий, Яратганнынг инояти туфайлидир.

Ўша давр ижтимоий-сиёсий манзарасига назар ташлайдиган бўлсак, тақдир билан можарода Мирзо енгилган, чорасиз бир алиозда ота юртдан бош олиб кетган эди. Юзага келган вазиятда унинг учун тайинли бир йўл, манзил-маскан йўқ эди. Бироқ унинг қалбида, юрагида улугларнинг табаррук сўзлари, ўнгитлари ниҳон эдики, башарти юртдан бош олиб кетмаган тақдирда ҳам эл тузган, давлат тузган бўлур эди. Чунки қалбдаги олов, эҳтирос кучи билан ҳазиллашиб бўлмайди. Аммо у теран тафаккур этди, тақдирнинг чорловини мардона қабул қилди, ўзини ва яқинларини муқаррар ҳалокатга етаклашдан тийилди, улуг мақсадларини амалга ошириш замонини кутди, маконини ахтарди. Бу буюк темурийзоданинг бизга, авлодларга бош сабоқларидан бири шуки, омадсизлик, иложсизлик вақтида қалбнинг қудрати, ўзликнинг даражоти кўрингай. Катталик даввосидаги майда одамларгина шундай дамлarga тоб беролмайдилар. Бўламан дегич ана шундай халқ қилувчи паллада вазиятни теран таҳлил қила билиши, юрак амрига қулоқ осиб, мақбул бир қарорга қелиши керак. Бунда энг муҳими — тоза ният, қолаверса, яқинларга олийҳиммат бўлишдир.

Бобур Мирзо Ҳиротга борганида Боикаро ўғилларининг қулгига лойик яшаш тарзини, ўзаро ниқоқлари боисини уқиб, туллари қанчалар изтироб чекди экан? Иттифок орзусида ўнг сўлига назар ташлаган мохир саркарданинг назари қимларга тушди? Ҳарб ишида ўзига тенг, монанд бир ҳамфикр зот учрадилми? Хуллас, кенгрок ўйлаб кўрилса, жараёни назоратга, илгика олиш учун

агарчи Бобур Мирзонинг қалб қуввати, давлатдорлик салоҳияти етган тақдирда ҳам, муаззам салтанат тузиш учун халқнинг ялпи бирлиги, ҳаммаслақлиги керак бўлар эди. Ана шундай умумий ғоянинг йўқлиги бора-бора ўлка халқларини асоратга солди. Ваҳоланки, бир оз муқаддам — Темурбек замонида бутун халқ мўғул истилосига қарши кураш ниятида бирлашган, ана шу бирлик улуг бир салтанатнинг воқе бўлишига замин тайёрлаган эди. Амир Темур сиймосида жете хонларини ағдаришга атир кучини кўргани учун ҳам халқ унинг қобилига жипслашган эди. Бобур Мирзонинг жасорати, ғоят ибратли жиҳати шундаки, у ўзаро ҳисоб-китобдан, шахсий урушдан ғўф билан муомала қилганини аңлатади. Шунинг учун ҳам бошқа юртларда шохлик қилган бўлса ҳам, Туронзаминда унинг обрўси, халқнинг муҳаббати бекиёс.

Мустақилликнинг илк йилларида миллий ғоя, халқни ягона маслак атрофида жипслаштириш эҳтиёжи етилди. Ана шунда миллий ғоянинг таянч устунларидан бири ўларок дастлаб Мирзо Бобур номи қайд этилди ва миллат қаҳрамонлари силсиласидан шавкатли ўрин эгаллади. Бугун авлодлар ҳозирги ўзбек тилига табдил қилинган «Бобурнома»ни, «Бобур энциклопедияси»ни, Ҳ. Қудратуллоев, З. Машрабов, Ҳ. Султон, Қ. Кенжа сингари олим уносирларнинг асарларини ўқиб-ўрганишмоқда. Юртимизда қатор саъй-ҳаракатларга бош-кош бўлиб келаётган Бобур номидаги Халқаро жамоат фонди фаолият кўрсатмоқда.

Ҳа, улуг зотлар миллатни жипслаштирадиган, ёруғ келажак сари дадил қадам ташлашга чорлаб туради. Мирзо Бобур тарихимизнинг нури саҳифаларидан ўрин олган ана шундай улуг зотдир.

Бехзод ҚОБУЛОВ,
«XXI asr» мухбири

Хоразмнинг гўзал, эпчил қизлари

НУФУЗЛИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДА СОВРИНЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАМОҚДА

■ Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«XXI asr» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жисмоний тарбия ва спортни тараққий эттириш, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спортини иншоотларини қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди. Бу борадаги манзилли дастурни амалга ошириш доирасида Хоразм вилоятида кейинги ўн йилда 108 та болалар спортини иншооти қурилди. Ана шу замонавий объектларнинг 96 таси қишлоқ жойларда барпо этилди. Биргина ўтган йилда жамғарманинг қарийб 6 миллиард сўм маблағи эвазига 7 та объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ҳазорасп туманидаги 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт муассасаси ҳамда Хива туманидаги оғир атлетикага ихтисослаштирилган ёшлар спорт мактаби капитал



таъмирланди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида тайёрланаётган қўламли давлат дастурида «қиз болаларни жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган эътиб тарбиялаш, спорт билан мунтазам шугулланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши»ни ўқирди. Бугунги кунда вилоятда 86 минг нафардан ортиқ қиз бадий гимнастика, волейбол, баскетбол, бадминтон ва бошқа спорт турлари билан мунтазам шугулланмоқда. Ўтган йилнинг якунида 9000 га яқин спортчи қизга давлатимиз раҳбарининг совғалари, жисмоний тарбия билан шугулланишга мўлжалланган бежирим кийимлар

ҳадя қилинди. Тўмарис издошлари бу ғамхўрликка амалий ишлар билан жавоб бермоқдалар. Масалан, Қозоғистонда эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда Нодира Собирова фахрли биринчи ўринни эгаллади. Қаратэ бўйича Японияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Широина Раҳимова кумуш медал соҳибаси бўлди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. 2015 йилда хоразмлик спортчилар жаҳон, Осиё чемпионатлари, халқаро беллашувларда 22 та олтин, 35 та кумуш, 55 та бронза медалини қўлга қиритди. 15 нафар хоразмлик спортчи эса Рио-де-Жанейро Олимпиадасига ҳозирлик кўрмоқда.

Шунингдек, ақл гимнастикаси ҳисобланган шахматни оммавийлаштиришга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Нилуфар Якуббоева спортнинг бу тури бўйича мамлакат ўсмирлар терма жамоаси аъзоси, Нодирбек Якуббоев эса вилоят чемпиони. Кейинги пайтда спортнинг бадминтон турига бўлган қизиқиш ҳам тобора ортмоқда. Жумладан, Моҳира Эшчонов ва Моҳинур Давлетованинг бадминтон бўйича Малайзиядаги халқаро беллашувда совриндор бўлгани эътиборлидир.

— Жорий йилда болалар спортини ривожлантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали раҳбари Ҳ. Ҳожиев. — Яъни, 7 та умумтаълим мактаби янги, замонавий спорт залига эга бўлади. Қўшқўпир туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тасарруфидан сузиш ҳавзаси бунёд этилади.

Мухтасар айтганда, чемпион қизлар сонини қўпайтириш, спорт билан шугулланиш соғлом турмуш тарзини яратишда муҳим ҳақлигини ёш авлод онгига сингдириш — бизнинг асосий мақсадимиз.

«БОБУРНОМА» — ОМИЛКОРЛИК ҚОМУСИ

Ҳазрати Бобурнинг турли йилларда, турли ҳолатлар бўйича ёзган фикр-мулоҳазаларини астойдил ўқиб-ўргансангиз, вазиятга мос оқилона тадбир қўллаш борасидаги энг мўътабар манбалардан бири билан юзлашиб турганингизни аңглайсиз. Бундан ташқари, ушбу асар қатларида ғоят ҳаётий, кишини ўйга толдирадиган қўллаб ибратли фикрлар, ҳикоятлар бор. Қуйида улуг бобокалонимизнинг мемуар асари «Бобурнома»ни ўқишга тутинамиз. Истардикки, бу ўқишлар, ўқиб-ўрганишлар ҳамиша бардавом бўлса...

Таҳририят.

«Ишрат фалокатдан сўнг, фароғат машаққатдан кейин лаззатлироқ ва яхшироқ кўринади. Тўрт-беш мартаба ана шундай кўруликлардан кейин роҳатга ва машаққатдан фароғатга қайтганимиз».

«Ўнг қанот ўнг қанотда, чап қанот чап қанотда, марказ марказда, ҳар қим ота-бобосидан қолган еридагина туради. Ўнг қанот ва чап қанотда қимнинг эътибори қўпроқ бўлса, сафнинг бошироғида туради».

Носҳуд Хисравшоҳ таърифиди: «Бир кишини ўз қўлида улғайтириб мўътабар бек қила оладиган истисноли салтанатга эга бўлмади. Беклари отасининг ва амакисининг бекларигина эдилар».

Яна менинг атроф-теварасида юрган бир неча катта-кичикларнинг ҳар бири умидворлик билан менга эршииб сарғардонликни бирга тортмоқдалар. Уларга бундай гапни айтишини ҳеч қизиги йўқ эди.

Ўлимни бўйинимга олдим. Ўша богда бир сув оқиб келарди, таҳорат олдим. Икки рақъат намоз ўқидим. Бошимни муножотга қўйиб, тиллак тилаётган эдимки, қўлим уйқўза кетибди. Туш кўраяман: Ҳожа Яъқуб (Ҳожа Яҳёнинг ўғли, ҳазрати Ҳожа Ўбайдуллоҳнинг набиралари) рўпарамга оқ-қора тусдаги отда, шундай от минган қўп отлиқлар билан келдилар. «Ғам емангиз. Ҳожа Аҳрор мени сизга юбордилар», дедилар. «Биз уларга Оллоҳдан мадад сўраб, подшоҳлик тахтига ўлтургизганимиз. Ҳар ерда мушкул иш тумса, бизни назарига келтирув ёд этсин, биз ўша ерда ҳозир бўлурмиз», деб тайинладилар. Ҳозир ушбу соатда фатҳ ва галаба сизнинг томонидир. Бош кўтаринг. Ўйганинг».

ЭЪЛОН



ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк

2016 йил мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади. Шу билан бирга «Асака» банки миллий валютада 27 турда ва хорижий валютада 17 турда қўлай шартларда омонат турларини тақлиф қилади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергели филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган